Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 194 (13.150).
20 август 1965 йил
Жума
Баҳоси 2 тийин.

● ЯНГИ ГАЗ МАГИСТРАЛИ
● ЧИРЧИҚЛИК ИШЧИЛАР ҒАЛАБАСИ
● ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТ БЕРМОҚДАЛАР
● ҲАММА НАРСА ТЕРИМГА ТАХТ БЎЛСИН

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ОЗОДАЛИК ВА САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу йил 20 августдан бошлаб республиканинг ҳамма жойларида «Озодалик ва саломатлик ойлиги»ни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар, район ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, барча министрлик ва ташкилотларга ойликни ўтказиш даврида шаҳарлар, қишлоқлар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш юзасидан кенг тадбирлар белгилаш топширилди.

Қарорда ошхона, ресторан, кафе, чойхона ва бошқа умумий овқатланиш объектларининг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш, шунингдек бозорлар, озиқ-овқат магазинлари ҳамда ичиш учун истеъмол қилинадиган сув манбаъларининг санитария ҳолати устидан назоратни кучайтиришга жиддий эътибор бериш кераклиги алоҳида қайд қилиб ўтилади.

Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, меҳнаткашлар депутатлари ижроия комитетларининг, министрлик ва ташкилотлар, корхоналар, ўқув юртлари ва илмий муассасалар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг вазифаси шундан иборатки, улар қисқа муддат ичида ҳар бир турар-жой, ҳовли, маҳалла, цех, завод, фабрика, қурилиш, колхоз, совхоз, ишчилар посёлкаси, умумий овқатланиш корхонаси, шаҳар ва қишлоқ бозорлари санитария ҳолатини тартибга солиш ишига кенг жамоатчилик ҳамда аҳолини жалб этиш тадбирларини кўришлари лозим.

ЖАНГОВАР ПОСТДА

Халқ билан партиямиз ҳамиша яқдил, ҳамнафас. Улуғ Коммунистик партия ҳар бир ишда халқ бахт-саодатини кўзлайди. Ленинча умумхалқ контролининг амалга оширилаётганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа, постларнинг ишида минг-минглаб кишилар — халқ вакиллари қатнашмоқда. Улар партия ва халқнинг жонкуярлари, меҳрибонларидир.

Партия-давлат контроли органларига кўмаклашувчи группалар ва постлар туғилганидан буён икки йилча вақт ўтди. Умумхалқ контролининг вакиллари ана шу қисқа вақт ичида жамоат ҳаётида фаол қатнашиб, камол топдилар, эндиликда улар анча тажриба орттирдилар.

Биргина бизнинг республикамизда партия-давлат контроли органларига кўмаклашувчи 35 минг группа ва пост бор. Уларга 170 мингдан ортиқ киши вакил қилиб юборилган.

Кўмаклашувчи группа ва пост аъзолари халқ, партия, давлат манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, партия ташкилотларига яқиндан кўмаклашаётирлар, партия, ҳукумат қарорларининг муваффақиятли амалга оширилиши учун курашаётирлар. Халқ контролёрларини жамоатчиликнинг кўз-қулоғи, ҳушёр, сезгир, муросасиз посбонлари дейиш мумкин.

Буюк коммунистик қурилиш режалари муваффақият билан амалга оширилаётган Ўзбекистонимизнинг ҳам саноати, қишлоқ хўжалиги тобора ривожланмоқда, фан ва маданияти равнақ топмоқда. Партиямизнинг ғамхўрлиги туфайли эришилаётган бу муваффақиятларда кўмаклашувчи группа ва постларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Партия ташкилотлари яқиндан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаётган жойларда кўмаклашувчи группаларнинг, постларнинг аъзолари камчиликларнинг олдини олмоқдалар, айрим ходимларнинг хўжалик фаолиятидаги нуқсонларни дадил очиб ташламоқдалар, яхши ташаббус кўрсатиб, партия-давлат контролининг таъсир кучини, обрў-эътиборини тағин ҳам оширмоқдалар.

Кўмаклашувчи группа ва постларнинг фаолиятидаги асосий нарса тирноқ остидан кир қидириш, содир бўлган нуқсонларни рўйхатга олиш эмас, балки камчиликларнинг олдини олишдан, нотўғри йўлдан бормоқчи бўлган кишиларни қаттиқ огоҳлантириб, тўғри изга тушиб олишига кўмаклашишдан иборатдир.

Умумхалқ контроли органларининг энг ҳаракатчан ва оммага энг яқин бўлган кўмакдошлари — группа ва постлар аъзолари ишлаб чиқаришнинг фойдаланилмай ётган резервларини қидириб топиш ва ишга солишда жуда кўп иш қилишлари мумкин.

Ўзбекистон — Ватаннинг «оқ олтин» кони. Пахтакор ва бошқа колхоз, совхозларда 22000 дан ошиқ кўмаклашувчи группа, пост бор. Бу — жуда катта куч. Энг яхши халқ контролёрлари пахта етиштиришни тобора кўпайтириш учун курашда, терим машиналарининг йўлдаги ғовларни улоқтириб ташлашда партия ташкилотларига яқиндан ёрдамлашмоқдалар. Андижон, Фарғона, Қашқадарё областларидаги энг яхши кўмаклашувчи группа, пост аъзоларининг бу соҳадаги ишлари диққатга сазовордир. Улар кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида рейдлар, текширишлар ўтказиб, камчиликларни тугатишда активлик кўрсатмоқдалар.

Бу йил республикамизда камида 1 миллион тонна пахта нуқул машинада териб олиниши керак. Машинада пахта теришнинг сифати учун кураш ғоят муҳим вазифадир. Терим машиналарини вақтида яхшилаб шай қилиб қўйиш, машина теримга ажратилган майдонларни ўз вақтида тайёрлаш, машинанинг бемалол юриши учун замин яратиш — «зангори кема»ларда сифатли пахта териш имконини беради. Шу кеча-кундузда кўмаклашувчи группа ва постларнинг энг муҳим вазифаси колхоз, совхозларда пахтани машинада теришга тайёргарликни алоҳида назорат остига олишдан иборатдир.

Партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа, постларнинг ваколати яқинда тугайди. Улар икки йил мобайнида қилган ишлари ҳақида ҳисоб берадилар. Бу муҳим воқеа бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тўғри келмоқда. Партия-давлат контроли — партиявий-ташкилий ишнинг ажралмас қисмидир. Партия бюросининг фаолиятига баҳо берганда улар кўмаклашувчи группа, постларга қанчалик эътибор қилганини ҳисобга олиш керак.

Партия-давлат контроли органларига кўмаклашувчи группа, постларга янгидан энг жонкуяр, меҳрибон, халқ, партия, давлат манфаатларини муқаддас биладиган, ишда ўзини кўрсатган, ҳалол, обрўли, принципиал ўртоқларни вакил қилиб юбориш зарур. Шуни асло унутмаслик керакки, партия-давлат контроли органларига кўмаклашувчи группа ва постлар ишида узилишга йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари кўмаклашувчи группа ва постларнинг янги составлари белгиланаётган вақтда аввалги составлар ишидаги барча ижобий жиҳатлар ва ҳамма фойдали тажрибаларнинг унутилиб кетилишига сира йўл қўймасликлари, аксинча уларнинг янада давом эттирилишига ва бойитилишига эришишлари зарур. Группа ва постларнинг янги составларини белгилаш вақтида ҳар бир халқ контролёрининг ишига объектив баҳо берилиши, партия комитетлари ва бюролари, партия-давлат контроли органлари уларнинг фаолиятини қандай бошқарганлиги чуқур таҳлил қилиниши керак.

Умумхалқ ленинча контроли ўзининг ажойиб самарасини бермоқда. Минг-минглаб халқ контролёрлари — кўмаклашувчи группа, пост аъзолари партиямизнинг дастёрлари эканликларини амалда кўрсатмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўққи, улар ўз тажрибаларини янги вакилларга ўргатадилар, халқ контролёрлари ўз жанговар постида тағин ҳам ҳушёр, тағин ҳам сезгир, тағин ҳам меҳрибон бўлиб, коммунизм учун курашда ҳормай-толмай, садоқат билан хизмат қиладилар.

Меҳнат Зафарлари

Бухоро — Урал газ қувури билан ёнма-ён яна бир улкан «зангори олов» дарёси барпо қилинмоқда. Бу Урта Осиё — Марказ газ қувуридир. Янги газ магистралининг умумий узунлиги 3400 километрга етади. Урта Осиё «зангори олови»дан Москва, Ленинград ва кейинроқ Белоруссия ҳамда Болтиқ бўйи шаҳарлари ҳам баҳраманд бўлади.

Урта Осиё — Марказ магистрали қурилиши кундан-кунга кучайиб бормоқда. Амударёнинг чап қисмида — Қоракумда айниқса иш қизғин бораётир. Ҳозирнинг ўзидаёқ янги магистралнинг 10 километрига қувурлар ётқизиб бўлинди.

●

Чирчиқ шаҳридаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг керамзит цехи коллективи улкан маррани эгаллади. Азаматлар йилни маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни 106 процент қилиб бажардилар. Цехни реконструкция қилиш ва янги печларнинг фойдаланишга топширилиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайди. Бобух ва Раҳматов ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат сменалари ишлаб чиқаришда алоҳида ибрат кўрсатаётирлар.

●

Қўқон шаҳрида яна бир бинога пойдевор қўйилди. Бу ерда замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланган янги ун комбинати тикланмоқда. Корхона тўла қуриб тамомлангач, ҳар кеча-кундузда 500 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

●

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари чорва моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратмоқдалар. Улар ҳозиргача пландаги 2097 ўрнига 3400 тонна сифатли силос бостириб, белгиланган топшириқни оширибгина адо этдилар. Ҳар гектар ердан 800 центнердан маҳсулот олинди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, планга қўшимча яна 3600 тонна маҳсулот жўхори силоси бостиришга аҳд қилдилар. Шундай қилиб, бу ерда чорва моллар учун уч йилга етадиган миқдорда силос тайёрланади.

●

БУХОРО. Ғиждувон районидаги Калинин номли колхознинг сутгувчи Олияхон Омонова пешқадамлик қилаяпти. У ўзига бириктирилган сигирларининг ҳар бошидан 1365 килограммдан сермаҳсул сут соғиб олиб, етти ойлик планни муддатидан илгари муваффақиятли бажарди.

Турсун Мардонова, Ҳанифа Бурхонова, Турсун Болтаева, Зиёда Холова каби сут соғувчилар ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари 1160 гектар майдондаги пахтани машиналар билан териб олишга шайланиб турибдилар. Улар роппа-роса 2 минг тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар бункеридан тўкишмоқчи. Шу мақсадда 28 терим агрегатининг ҳаммасини муддатидан олдин ишга тахт қилиб қўйдилар. Суратда: терим агрегатини ҳаммадан олдин ремонтдан чиқарган механик-ҳайдовчи Тошхўжа Дилмонов.

А. Тўраев фотоси.

ГУЛИСТОНДА ГАП ҚОП-ҚОП...

«Октябрь» колхозининг устахонасида «ХВС-1,2» маркали терим машиналари қатор тизилиб турибди. 5-6 ремонтчи қилинадиган ишнинг тайини йўқлигидан бўлса керак, ўзаро гаплашиб вақт ўтказишяпти.

— Бу машиналар нимани кутяпти? — деб сўрадик йигитлардан.

— Нимани бўларди, запас қисмларни-да! Мана, моторни очиб ташлаганимга 20 кун бўляпти, йигиш — жой-жойига қўйиш учун поршень, подшипник, сальник, аккумулятор ва генераторлар етишмайди, — шикоят қилади механик-ҳайдовчи Жамисар Расулев.

— Нимасини айтасиз, 2 та «ХВС-1,2» машинасини ремонт қила бошлаганимизга 2 ҳафтадан ошди, — дея гапга аралашди Петр Семенович Бичук.— Бу машиналарнинг ҳаммаси ҳам шеригим Расулев айтгандек, запас қисмларга маҳтал бўлиб турибди. Биз эса ҳар куни устахонага беҳуда қатнаганимиз-қатнаган.

Нима қилишни билмай қўл қовуштириб ўтиргани бошқа ремонтчилар ҳам қимматли вақтлари бекор ўтаётгани, машиналар ремонти силжимаётганига ачинишди.

Колхоздаги 21 та терим агрегатидан шу кунгача 6 таси тайёр бўлди. Бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига ҳали қўл урилгани йўқ. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, запас қисмлар етишмаётгандиги бўлса, иккинчидан, колхоз раҳбарларининг (раиси М. Раҳимов, партия ташкилотининг секретари П. Ҳасанов, бош инженер Н. И. Русь ўртоқлар) боқибегамлигидадир. Улар запас қисмларга кўз тикиб, ички имкониятларни ишга солмаётирлар. Бу йил 1 минг 335 гектар ердаги ҳосилнинг қарийб ярмидан кўпини машинада териш мажбуриятини олган мазкур хўжаликда техника ремонти шу зайлда кетаверса, буёғи нима бўларкин-а? Колхоз раҳбарлари бу савол устида бош қотиришлари керак.

Фрунзе номли колхозда 30 та пахта териш машинасидан 7 таси ремонт қилиниб, бу соҳадаги план бор-йўғи 17 процент адо этилди. Бу колхоз «Ўзсельхозтехника»нинг район устахонасига ремонт талаб қиладиган машиналарни жўнатиш билангина чекланиб қўяқолди. Уларни ким ва қандай ремонт қилади, бу нарса ҳеч кимнинг ҳаёлига келгани йўқ. «Ўзсельхозтехника» район устахонасидагиларнинг туртки ва қистовидан кейингина 3-4 киши юборилди. Ваҳолонки, колхоз агрегатлар ремонти учун устахонага 26 кишини жўнатиши, ремонт устидан назорат қилиб туриши лозим эди.

Колхозда машина теримига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар ҳам ўлда-жўлда ётибди. Ғўза барглариии сунъий усулда тўкитириш учун дефолиация олдидан химикатлар ташиб олинмади, самолёт қўнадиган аэродром тайёр эмас. Колхоз раиси ўртоқ Эшонқулов йиғилишларда мақтанчоқлик қилишни яхши кўради. У, район партия комитетининг 5 августдаги йиғилишида бўлгани каби 12 августдаги бюро мажлисида ҳам машина теримига тайёргарлик кўришда юз бераётган нуқсонларни хас-пўшлаш, баландпарвоз ваъдалар беришдан нарига ўтмади.

Райондаги «Ленинизм», «Коммунизм», «Ленинский путь», Навоий номли колхозларда мавжуд техниканинг фақат учдан бири ремонт қилинди. Маълумотларга разм солсангиз, бу колхозларнинг ҳар қайсисидан 20-30 устахонада ишлаётган бўлади-ю, амалда эса 5-6 кишидан ошмайди.

«Социализм» совхози райондаги йирик хўжаликлардан бири. 5 минг гектардан ортиқ майдонда пахта етиштиради. Хўжалик катта бўлгани билан ишчи кучи етишмайди. Демак, бу ердаги вазият пахтачиликни кенг машиналаштиришни тақозо этади. Совхоз мавсумда 70 процент майдондаги ҳосили машиналар билан териб олиши мумкин. Бироқ, бу ерда ҳам техника ремонти ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 140 та терим агрегати ремонт талаб қилади. Шундан ҳозиргача 40 таси ремонтдан чиқди. Совхоз раҳбарларига (директори Х. Муҳаммаджонов, бош инженери А. Жўлбеков, устахона инженери Н. Подборкин ўртоқлар) бу суръатда қачон ремонт тугайди десангиз, бирбирларига қараб хомуза тортишади.

Район хўжаликлари бу йил даврлатга 60 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Ҳосилнинг қарийб ярми машиналар билан териб олиниши керак. Бунинг учун колхоз ва совхозларда катта резерв ҳамда имкониятларга эга. Бироқ, хўжаликларда техникани мавсумга тайёрлаш ишлари жуда қониқарсиз бормоқда. 690 та пахта териш машинасининг энди учдан бир қисми ремонт қилинди. Шунинг учун ҳам бу район машиналар ремонти бўйича областда энг орқада қолаяпти. Районда машина ремонти билан боғлиқ ишларда 295 ўрнига 200 га етар-етмас киши қатнашяпти. Зарур ҳолларда ремонтни икки сменада олиб бориш чоралари кўрилмаётир.

Район ва хўжаликларнинг раҳбарлари запас қисмлар етишмаётганидан нолишади-ю, лекин уларни ташиб олишни ўйлашмайди. «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаси раисининг ўринбосари ўртоқ Н. Раҳимовнинг айтишича, Гулистон районн хўжаликларига ажратилган 103 комплект поршень область базасидан ўз вақтида ташиб олинмади.

Ювлаб терим машиналари чўтка етишмаслиги оқибатида ремонт кутяпти. Ленин номли колхоз механизаторлари ташаббус кўрсатиб ишлаб, «чўтка муаммоси»ни ўзлари ҳал қилишди. Яъни кўсак чувиш машиналарининг чўткасини вақтинча олиб, реставрация қилишди.

Колхоз механизаторлари 18 та терим агрегати, 6 та кўсак чувийдиган, 3 та кўсак терадиган машиналарни мавсумга тахт қилиб қўйишди. Афсуски, бу тажриба кенг ёйилмаётир.

Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари механизатор кадрлар тайёрлаш ишига эътибор беришмайди. Бунинг натижасида районда ҳамон 53 та механик-ҳайдовчи етишмай турибди. «Мирзачўл» совхозида 17 киши, «Красная заря», Навоий номли колхозларда 5 тадан механизатор камлик қиладн.

Хулоса қилиб айтганда, Гулистон районида техника ремонти ва пахтани машинада теришга тайёргарлик ҳақида гап-сўз кўп-у, иш оз. Бунга район партия комитетининг шу йил 12 август куни қарийб 6 соат давом этган бюро мажлиси яққол мисол бўла олади. Унда район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи А. Мусаев, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасидан Н. С. Қиши ва Мазрупов ўртоқлар яна соатлаб нутқ сўзлашди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига панд-насиҳат ўқишди. Лекин шундан кейин ҳам ишда силжиш сезилмаяпти.

С. ҲИДОЯТОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Шарқий Қозоғистон Халқ хўжалиги кенгашига қарашли Усть-Каменогорск титан-магний комбинатининг биринчи навбатини қуришда ва ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришда эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 18 августдаги фармони билан комбинатнинг биринчи навбатини қуришда ва ўзлаштиришда қатнашиб, энг кўп ўрнак кўрсатганлардан 200 кишини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

Фармон «СССР Олий Совети ведомостлари»да эълон қилинади.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ЗАРБДОР КУНЛАРДА

Теша САЛИМОВ,
Бухоро районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

◆ ◆

Деҳончилик илмининг усталари августнинг ҳар куни, ҳар соатидан тўғри фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшиб оладилар. Бор кўсакларни етилтириш, гулларни асрабавайлаб кўсакка айлантириш ва ҳосилни тўла сақлаб қолиш — шу кунининг энг муҳим вазифасидир. Она-Ватанга 4700 тонна «оқ олтин» армуғон этиш ишқида фидокорлик кўрсатаётган пахтакорларимизнинг бутун фикри-зикри ана шунга қаратилган.

Деҳончиларимиз мўл ҳосил тўплашда механизациядан унумли фойдаланишяпти. Шу кунларда ғўза қатор ораларини ишлаш сира тўхтатилгани йўқ. 30 дан ортиқ чопиқ трактори, бир нечта от-улов билан кунда 280-300 гектар ердаги ғўза культивация қилинмоқда. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай: ҳосил тўплаган билан уни сақлаб қолмасангиз, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан ҳимоя қила билмасангиз, барибир ютқазиб қўясиз. Пахтакорларимиз 1600 гектар ердаги ғўзани ҳамиша кўздан кечириб, ҳашаротларга қарши серғам бўлиб туришибди.

Тўғри, август ойининг бошида айрим карталарда ўргимчаккана, шира пайдо бўлган эди. Мутахассисларимиз қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши профилактик чораларни кўриш зарурлигини маслаҳат беришди. Бу иш зудлик билан бажарилди. 700 гектар майдондаги ғўза самолётлардан, қолган майда карталардагиси эса, мавжуд чанглагич аппаратлари билан дориланди. Хўжаликда ҳосил тақдири учун ҳамма баравар қайғуради.

Айни вақтда пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўряпмиз. Механизаторлар ҳосили машинада териладиган майдонларнинг ғўзасини алоҳида эътибор билан парваришлаяпмиз. Чунки улар яна бир неча вақтдан кейин ўзларига бириктирилган майдонларда машина терими бошланажагини яхши билишади. Масалан, ёш турсунойчи механизатор Чинниҳон Нарзиева ўтган йилдан бошлаб бригадага далаларида культивация ўтказди. Чинниҳон парвариш қилган пайваллардаги ҳар туп ғўзада 8-10 тадан тўқ кўсак бор. Ўтган йили «ХВС-1,2» агрегатида 70 тонна пахта терган бу моҳир механизатор етти йилликнинг сўнгги босқичида бунлардан 150 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилди.

Механик-ҳайдовчилардан Рамазон Жумақулов, Зариф Бафоевлар ҳам «ХТ-1,2» терим агрегатида ишлаб, 150-170 тоннадан пахта теришга бел боғладилар. Колхоз правлениеси механик-ҳайдовчилар истагини ҳисобга олиб, бешта янги «ХТ-1,2» пахта териш машинаси сотиб олди. Ҳозир хўжалигимизда терим машиналарининг сони ўнтага етди. Шунга кўра, машина теримига ажратилган майдонларни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Агрономлар, мутахассислар билан маслаҳатлашиб Сафар Солиев, Ҳусаин Ҳасанов каби юқори ҳосилли бригадаларнинг йирик карталаридан 400 гектар ерни машина теримига ажратдик. Ҳозир бу пайваллардаги ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Машинада териладиган майдонлар бегона ўтлардан тозаланди, карта четлари текислаб қўйилди.

Шундай қилиб хўжалигимизда етиштирилган ҳосилнинг қарийб 50 проценти машиналар билан териб олинади. Бунинг учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти зарур тадбирларни ишлаб чиқди. Режаларимизга мувофиқ пахтанинг ҳаммаси қопқанорсиз ташилади. Ана шуни эътиборга олиб, 42 та тележка, 15 та автомашина, 22 та от-арава колхоз устахонасида ремонт қилиниб, мавсумга шайлаб қўйилди. 13 та хирмон жойи асфальтланди. Колхоз билан Шаҳрислом пахта пунктини боғлайдиган 15 километрли йўлга асфальт ётқизилди. Икки минута этак, бир нечта тош-тарозилар тахт қилиб қўйилган. Утган йили иккита бригадада терилган пахта пайваллардаги ўзида қабул қилиб олинган эди. Бу йил ҳамма бригадаларда шундай қилинади. Бу, теримчиларнинг иш унумини ошириш учун кулайлик туғдиради.

Шу неча-кундузда ғўза парваришини бўшаштирмасдан, пахта йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Механик-ҳайдовчилар, илғор теримчилар, шоферлар, аравакашлар, оддий колхозчилар, хуллас, ҳамманинг юксан унум билан ишлаши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Хўжалигимизда одамларга ғамхўрлик қилишга биринчи даражали вазифа деб қаралмоқда. Пахтакорларимиз йиғим-терим даврида хилма-хил иссиқ овқат ва мева-чева, қовун-тарвуз билан таъмин этилади. Дала шийпонларида маданий-маиший ва медицина хизмати яхши йўлга қўйилади. Буларнинг ҳаммаси пахта йиғим-теримини пухта уюштириш ва давлат планининг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

СССР Министрлар Советининг пахта етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотишдан колхоз ва совхозларнинг модий манфаатдорлигини ошириш тўғрисидаги қарори бизни янада мўл ва сифатли пахта етиштиришга руҳлантирди.

● ДЎСТОНА УЧРАШУВ

17 августда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Италия Коммунистик партиясининг вакиллари учрашдилар. Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев ва Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Луиджи Лонго (у СССРда дам олмоқда) иштирок этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида ҳар икки партияни қизиқтирувчи масалалар юзасидан ва халқаро аҳвол ҳамда халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим проблемалари юзасидан ўртоқларча фикрлашиб олинди. (ТАСС).

● КРЕМЛДА СУҲБАТ

18 августда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян Конго Республикасининг (Браззавиль) президенти, Миллий революцион ҳаракат партияси бош секретари Альфонс Массамба-Деба билан суҳбат қилди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида тинчликни мустаҳкамлаш, миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга тааллуқли масалалар, шунингдек СССР билан Конго Республикаси (Браззавиль) ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан очиқ фикрлашиб олинди. (ТАСС).

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

«Политотдел» колхозининг механизаторлари Тошкент областида техникани пахта теримн олдидан биринчи бўлиб тахт қилиб қўйдилар. 29 та пахта териш машинаси ва 13 та кўрак териш машинаси аъло баҳо билан қабул қилиндн. Пахтани автоприцепларга ортадиган транспортёрлар тайёрлаб қўйилди.

Колхознинг механик-ҳайдовчиларн бу йил ҳосилнинг ярмидан кўпроғини машинада териб олишга аҳд қилдилар. (ЎзТАГ).

ҒАЛЛА ХИРМОНИГА

Самарқанд районининг ғаллакорлари бугдой ва арпа тайёрлаш планини (шолидан ташқари) бажардилар. «Ленинград», «Зарафшон», «Гулистон», «Москва» колхозлари ва бошқа колхозлар давлатга пландан ташқари ортиқча ғалларини сотмоқдалар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

БИНОКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Ўзбекистон пойтахтининг турли районларида ўн тўрт мактаб биноси қад кўтарди.

Ана шу мактаб бинолари қурилиши ҳозирги кунда асосий объектлардан ҳисобланади. «Главташкентстрой» трести планга мувофиқ янги ўқув йили бошланишига қадар тўққиз мактаб биносини қуриши керак. Тошкентлик болаларни кутиб олиш учун бу биноларда қурилиш ишларни тамомланмоқда. Сувоқчилар сўнгги пардозлаш ишларини тамомлашга киришдилар. Электрчилар, сантехниклар ва бошқа мутахассислар ҳам ўз навбатларини кутиб ўтирмайдилар. Ҳозир улар ҳам ишга тушиб кетишди.

Бинокорлар янги мактаб биноларини учун «беш» баҳосини олишни истайдилар. Шунинг учун ҳам улар яна беш қурилиш майдонида иш суръатларини жадаллаштиришга қарор бердилар. Ўқиш йили бошланишига қадар ёки ўқиш йилининг дастлабки ойларида яна учта мактаб биноси қурилади ва иккита мактаб биноси кенгайтирилади, бу мактаблардан ҳар бирининг синфларида 520 бола ўқиш олади.

Янги мактаблар бу йил жами 12.608 боланн қабул қиладилар. Ўзбекистон пойтахтида ҳозир қилинаётган ишларга тўла баҳо бермоқ учун шундай бир рақамни келтириб ўтиш мумкин. Революциядан илгари Тошкентдаги мактабларда 8.638 бола ўқиган эди. Эски Тошкентдаги 49 мактабдан атиги бештаси ўқувчиларга ўрта маълумот берар эди. Уларнинг кўпи [32 таси] бошланғич мактаблар эди.

Бу йил ишчи ёшларнинг кундузги ва кечки мактабларида 213 минг киши шуғулланади. Бу эса революциядан илгари Тошкентда яшаган бутун аҳолининг миқдорига баравар дейиш мумкин.

[ЎзТАГ].

БОНГ УРИШ КЕРАК

Сентябрь тонги яқинлашяпти. Шу куни областимизда чорак миллиондан ортиқ ўқувчи мактабларга боради, йигирма минг йигит-қиз эса ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида таълим ола бошлайди. Лекин мактаблар ўқувчиларни ўз бағрига олишга тайёрми? Дарсларни мунтазам олиб бориш учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб қўйилганми?

Ўқув йили бошланғунча областда 1 миллион 653 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, давлат ҳисобидан 10 та мактаб фойдаланишга топширилиши керак. Бунинг натижасида 1 сентябрдан 6100 ўқувчи яхши жиҳозланган, ёруғ хоналарда ўқишни бошлаб юборишга муяссар бўлади. Ҳозир бу мактаблар ва унинг жиҳозлари сўнгги пардоздан чиқарилмоқда. Қўплаб колхоз ва совхозлар ўз маблағлари ҳисобидан мактаб бинолари қуриб бераётир. Ҳозир 20371 ўринли 30 дан ортиқ мактаб ва қўшимча бинолар ана шундай йўл билан тикланмоқда. Охунбобоев районининг ўзида бу йил 5 та хўжалик типовой мактаб қурди. Бағдод районидаги «Коммунизм», Ленинград районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли колхозларда типовой мактаб биноси қурилиб, тўла жиҳозланди.

Кўпгина шаҳар ва районларда мактаблар ремонти ўз муддатида, Охунбобоев, Киров, Бағдод районларида эса муддатидан анча илгари тамомланди. Аммо сифатсиз, номига ремонт қилинган мактаблар ҳам йўқ эмас. Масалан, Поп районидаги 15-мактабда бинони оқлаш билан кифояланиб қўя қолинган. Бошқа ҳеч қандай иш бажарилмаганига қарамай, директор ремонт тугади, деб рапорт бериб юборавергап. Қувадаги 3, Поп даги 41, Олтиариқдаги 1, Фарғона районидаги 10-мактаблар ҳам худди шундай чала-чулпа ремонтдан чиқарилган.

Янги ўқув йилига тайёргарлик масъулиятли иш. У бир қатор муҳим масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Лекин айрим мактаб директорлари, район ижроия комитетлари, район халқ маорифи бўлими ходимлари бунга етарли эътибор бермаётирлар. Мактабларда ўқув кабинетлари ва устахоналар ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ҳам муҳим масалалардан биридир. Киров районида 36 та химия ва физика кабинетлари жиҳозланиб қўйилган. Лекин қандай? Талабга жавоб берадими? Ўқувчилар ҳамма лаборатория ва амалий ишларни ўтказа оладиларми? Афсуски, йўқ. Кабинетлар номигагина жиҳозланган. Кўргазмали қуроллар, тажриба асбоблари етарли эмас.

Ҳозир район мактабларида айрим фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Шунга қарамай, районларга ишга юборилаётган ёш мутахассислар уй-жой билан вақтида таъминланмаётир. Масалан, Охунбобоев районида ўқитувчилар учун 12 та уй қуриб берилган. Ваҳолонки, ўтган йили 17 ўқитувчи уй-жойга муҳтож эди. Бу йил эса районга яна 50 та мутахассис юборилди. Район ижроия комитети ва халқ маорифи бўлимидаги ўртоқларни бу нарса ташвишга солмаётир. Қува районида аҳвол бундан ҳам ёмон. Районга 200 та ёш мутахассис юборилган. Лекин уларга бор-йўғи 4 та уй ажратилган.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалардандир. Аммо областда бу ишга қўл урмаган мактаблар анчагина бор. Масалан, Ленинград районидаги 1, Охунбобоев районидаги 9-мактабларда дарсликлар тарқатиш ҳали бошланғани йўқ.

Ана шундай камчиликларни тезроқ тугатиб, янги ўқув йилини намунали бошлаб юбориш керак.

К. НУРИДДИНОВА,
Фарғона область партия комитети мактаблар бўлимининг мудири.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Андижондаги ирригация машинасозлиги заводи областда етти йиллик планни бажарган йигирма бешинчи корхонадир. Маҳсулот ишлаб чиқариш етти йилликнинг биринчи йилидагига нисбатан икки баравар ошди. Корхона ишлаб чиқараётган машиналарнинг ўн бир хили ирригация ишларига мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда корхонанинг янги асосий корпуси қурилмоқда. Бу корпус ишга туширилганидан кейин ирригация машиналарини ишлаб чиқариш уч баравар ортади.

Областдаги бошқа етакчи корхоналар — «Коммунар», гидролиз заводлари, Учқўрғондаги ёғ-экстракцион заводи, Андижон ёғ комбинати, Володарский номидаги тикувчилик фабрикаси ҳам етти йиллик контроль рақамларида кўрсатилганидан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга киришдилар.

10 МИЛЛИАРД СЎМ ФОЙДА!

Янги техника ижодкорлари ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг 1959 йилда бўлиб ўтган биринчи съездида етти йиллик мобайнида 10 миллиард сўмни тежаш мажбуриятини олган эдилар.

Улар ўз ваъдаларини бажардилар: етти йиллик фондига 10 миллиард сўмдан ортиқ пул топширилди.

Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти марказий кенгашида ТАСС мухбирига қуйидагиларни хабар қилдилар:

— Ҳозирги вақтда жамият сафларида 3,6 миллиондан кўп ишчи, техник, инженер бор. Улар етти йиллик мобайнида рационализаторларнинг 16 миллиондан ортиқ таклифини ва 25 мингга яқин ихтиронн муваффақиятли суратда амалга оширдилар.

Корхоналарда тўқсон мингта комплекс ижодий бригадалар ва беш мингдан ортиқ жамоатчи патент бюролари ва группалари актив иш олиб бормоқда. Улар илғор техникани ижод қилаётган ёшлар учун жуда яхши мактабдир.

Москва шаҳри ва пойтахт областининг новаторлари етти йиллик фондига жуда катта ҳисса — 800 миллион сўм топширдилар. Ленинград ихтирочилари ва рационализаторлари етти йиллик мобайнида ярим миллиард сўмдан кўпроқ маблағни тежадилар.

Украина, Белоруссия, Арманистон, Литва, Ўзбекистон республикалари, шунингдек Куйбишев, Ростов, Кемерово, Магадан областлари, Красноярск ва Краснодар ўлкалари, Бошқирдистон АССР корхоналарининг новаторлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

(ТАСС).



Навоий шаҳрида барпо этилаётган чўмилиш бассейни қурилиши тугалланди. Ҳадемай спортчилар янги сунъий сув ҳавзасида сузиш маҳоратларини намойиш қиладилар. Суратда: янги сув ҳавзаси.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳатларни ўқиб...

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Редакция кеча меҳнатқабулдан 84 хат, 5 фотосурат, 6 шикоят хати олди. Шикоятлар тегишли ташкилотларга юборилди. Хат-хабарлар бўлимларга чиқарилди. Қуйида кечаги почта материалларининг бир қисми билан танишасиз.

* * *

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Шеробод даштида ташкил топган 1- совхоз посёлкаси кун сайин обод ва чароғон бўлаётир. Магазин, павильон, қўша-қўша болалар муассаси ва бошқа бир қанча маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилди.

Қўли гул бинокорлар «Искра», «Пограничник» ва «Рассвет» колхозларида 120 дан ортиқ уй-жой биноларини қуриб фойдаланишга топширишди.

103 ЁШЛИ ОНА

Андижон районидаги «Ленинград» колхозида истиқомат қилувчи Бадалбуви она Мусаевани 103 ёшга тўлгани билан қишлоқ аҳолиси келиб қутлади. Бадалбуви онанинг тўнғич қизи Жумаой Мусаева 73 ёшга кирди.

А. ТЎЛАҚОВ.

ШОФЁРЛАР МАМНУН

Чирчиқдаги 160-қурилиш трестининг моҳир бинокорлари куни кеча 125-автобаза шофёрлари учун 250 авто. машинага мўлжалланган автомобиль парки қуриб, фойдаланишга топширдилар.

М. СУЛТОНОВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Бўз районидаги Жданов номли колхознинг аъзоси Қўшоқбой Мирзаевнинг уйида қувончли воқеа юз берди. Қўшоқбой аканинг совлиги бир йўла тўрт қўзи туғди. Қўзичоқлар яхши ўсяпти.

КИНОМЕХАНИКЛАР КУРСИ

Фарғона область, Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозида беш ойлик киномеханиклар тайёрлаш курси очилди.

Б. НОСИРОВ.

АҲОЛИ ХУРСАНД

Косон районидаги Дарға, Комолон, Оқбека қишлоқларида янги алоқа бўлимлари ишга туширилди.

Н. МАМАТОВ.

* * *

Жойлардан редакциямизга мактуб йўллаган Х. Содиқов (Шўрчи районн), Э. Нормаров, (Жиззах), О. Отахонов (Фарғона область Киров райони), Қ. Содиқов (Андижон), Н. Тўфанов (Оққўрғон), С. Аҳмедов (Калинин), Н. Ҳамидов (Пайариқ), А. Набиҳўжаев, Ҳ. Содиқов (Тошкент), Э. Рўзибоев (Гулистон)лар ўз хат-хабарларида ҳам ишимиздаги ютуқларни мадҳ этиб, камчиликларни танқид қилишади.

Маиший темада

ИШ ҚИЛСАНГ—ПУХТА ҚИЛ

ИЗЗАДАН ЮЗ ШУВУТ...

Саноат моллари сифати бўйича республика Давлат инспекциясига бир мўйсафид келиб арз-ҳол айтиб қолди:

— Кенжа қизимиздан невара кўрувдик. Чол-кампир теримизга сиғмадик. Маслаҳатлашиб ўғилчани муборакбод қилишга болалар каравотчаси олиб боришга аҳд қилдик. Универмагга бориб бирини олиб келдим. Янгангиз унга тўшакча ва кўрпача қавиди, бошқа майда-чуйдалар ҳам тайёр бўлди. Хотиним айтди-я, каравотни қуринг, ясатиб олиб борайлик деб. Мен уришиб бердим:

Арзимаган нарсани ҳам ҳаммага кўз-кўз қиламизми?! Кўрпачасанми, каравот ёндорлари мойланиб, хитой қоғоз билан ўраларан. Каравотни қуриб олиб борадиган бўлсак, машинада ул-бул тегиб никели кўчиб кетиши бор.

Энди ўз сўзимга ўзим афсусланяпман. Нега дейсизми? Қудамизнинг олдида юзимиз шувут бўлди. Десангиз, қудамизникига бордик. Куёв уйда йўқ экан. Янгангиз менга каравотчани ўрнаштириб беринг, неварамизнинг каравот билан битта бўлиб ётганини кўрайлик, деб қўймади. Каравотнинг у ёқ-бу ёгини артиб-суртиб, мойдан тозалаб, сеткасини оёкларига ўрнатай дейманки, қани энди ўрната олсам. Сеткаси оёкларига ҳеч тушмайди. Қўл билан туширишнинг иложи бўлмагач, теша билан бир-икки урган эдим, оёкларига ўрнатилган безакларн тушиб кетди, ёндорининг бўёғи палахса бўлиб кўчиб, тагидан қоп-қора зангланган темири чиқиб қолди. Қани энди ўша пайт бир замбил бўлса-ю, икки киши мени қудамникидан олиб чиқиб кетса. Маҳалладагиларга айтган эдим, сизларга учрашишни айтишди.

Ўғлим, каравотга кетган пулга, овора бўлганимга ачиниб эмас, қудамнинг олдида уялганимга куйиниб бу ерга келдим. Уят ўлимдан қаттиқ. Ахир, шунақа ярамас каравотларни магазинга чиқариш инсофданми...

Инспекция кейинги пайтларда бундай ғозаки ва ёзма шикоятларни бошқа шаҳарлардан ҳам кўп олди. Ўтказилган текшириш меҳнаткашларнинг сигналлари тўғри ва ҳақли эканлигини тасдиқлади. Текширилган 632 каравотнинг ҳаммаси браккa чиқарилди. Каравотларнинг оёқларига никель 10 микрон ўрнига 1,5-3 микрон қалинликда қопланган. Никель остида мис қатлами йўқ. Каравотларни болға ёки тешасиз қуриб бўлмайди. Қурилган каравотга ётсангиз беланчакдай тебранади. Тошкент каравот заводи чиқараётган бир-бир ярим ўринли ҳамда болалар каравотларининг камчиликларини кўплаб саналш мумкин. Лекин биз нуқсонларни янада санаб ўтирмай, сифатсиз каравотларни завод рахбарларининг виждонига ҳавола қиламиз.

«ЙЎҚ ДЕДИМ — ҚУТУЛДИМ...»

Тошкентдаги мебель магазинларидан болалар стулини топиш амри маҳол. Бошқа шаҳар ва республикалардан келтирилган стулчаларнинг устидан чиқиб қолсангиз бахтингиз. Нега дейсизми? Сабаби Тошкент шаҳар ижроия комитети қошидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли «Металлобитремонт» комбинати (директори Ю. И. Исмоилов) болалар стули ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйди. Комбинат раҳбарлари «бор дедим тутилдим, йўқ дедим қутулдим» қабилида иш тутишни яхши кўришади. Бўлмаса, саноат моллари сифати бўйича республика Давлат инспекцияси томонидан ўтказилган текширишдан сўнг стуллар чиқаришни тўхтатиб қўйишармиди. Текширишда кўриб чиқилган 2780 та шартли моллардан 48,5 процснти бутунлай брак қилинган, 5,3 процснти эса тузатишга қайтарилган эди. Комбинат партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари чиқарилаётган буюмларнинг сифатсизлигн тўғрисида тузилган актни ишчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида муҳокама қилиб, тегишли техника иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқмадилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки комбинатда маҳсулот таннархини камайтириш бўйича ҳам сира иш қилинмаган. Болалар стулининг нархи комбинатда 5 сўм 65 тийин белгиланган. Ваҳолонки, бошқа корхоналарда чиқарилаётган катталарга мўлжалланган ярим юмшоқ стулларнинг нархи ҳам шундай.

Аҳолиға, болалар яслиси ва боғчаларига жуда ҳам зарур бўлган арзон ва бежирим стулчалар ишлаб чиқаришни комбинат шояд қайта йўлга қўйса деган умиддамиз.

«ЖОНСИЗ» ИПЛАР

Яқинда Тошкентнинг Октябрь районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи пунктлардан бирида шундай жанжал устидан чиқиб қолдик. Бир йигит оч кулранг материалдан тикилган халатининг иккита тугмаси узилиб тушган экан, йўлакай пунктга кириб тугма қадатиб олибди. Пунктнинг қабулхонасида тугмаларини солаётганда, петласи торроқ эканми, ишқилиб иккала тугма яна узилиб тушибди. Йигит:

— Сизлар жон куйдирмасдан пул шиласизлар.., — деган эди:

— Ҳовлиқманг ука, айб менда эмас. Ип жонсиз экан-да. Бўлмаса қайта-қайта тикдим. Келинг бошқатдан чатиб берай, — деди пункт ходими. Аччиқ-чучук гаплардан кейин йигит тугмасини қайта тикдириб чиқиб кетди. Аёл ўз ишидан ўзи уялиб қизариб кетган эди. Иш жойига қайта ўтирар экан янги ғалтакдаги ипдан бир неча бўлакни узиб кўрди.

— Тавба, шунча игна-ип билан ишлаб машина ипининг бунақа жонсизини кўрмаган эдим, — деди аёл.

Билсак ғалтакдаги ип Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрикасидан чиққан экан. Текширишлар шуни кўрсатдики, 50/3 маркали қора экстра, ҳамда пойафзал тикишга ишлатиладиган тўқ жигарранг, қизил рангли ипларнинг ярим юмшоқ стулларнинг нархи, ҳам шундай.

УЙИНЧОҚЛАР ҲАМ КЕРАК

«Ташсельмаш» заводида тайёрланган пахта териш машиналари Иттифоқимизга машҳур. Ҳатто «ХВС-1,2» ва «ХТ-1,2» машиналари чет элларда ҳам яхши баҳоланган. Бунинг учун завод коллективини чин кўнгилдан табриклаймиз. Лекин... Гапнинг лекини бундай: заводда кенг халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи цех ҳам бор. Бошқа буюмлар қаторн бу цехда полиэтилендан болалар ўйинчоқлари ҳам ишлаб чиқарилади. Шу кунда 142 минг сўмлик 219 минг дона турли ўйинчоқлар завод омборида қалашиб ётибди. Нима, ўйинчоқларга талаб йўқми? Аслида бундай эмас. Сиз қайси болалар магазинига ёки маданий моллар магазинига кирманг, ўйинчоқлар сотиладиган бўлимда одамлар гавжумлигини кўрасиз. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Қайси ота-онанинг ўз ўғил-қизига бежирим кўғирчоқ ёки автомашина, шар ёки кубик, гармон ёки ўрдакча олиб бергиси келмайди. Ранг-баранг, турли-туман ўйинчоқлар болаларимизнинг дидини ўстиради, меҳнат кўникмаларини тарбиялайди, борлиқ табиат сирларини тушуна боришларига ёрдам беради, нутқини ўстиради, саранжом-сариштликка ўргатади. Афтидан, буни завод раҳбарлари тушунмайдилар шекилли. Бўлмаса ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи цехга панжа орасидан қарашармидн. Саноат моллари сифати бўйича республика Давлат инспекцияси аниқлаган 206 минг дона ўйинчоқлардаги нуқсонларни бу цех тузатмади. Бу ерда нуқсонли ўйинчоқлар чиқариш ҳамон давом этаётир.

Бизни ажаблантирадиган жойи шундаки, завод раҳбарлари (директори ўртоқ Шевченко) давлат маблағи омборда оборотсиз турнб қолаётганлиги учун ташвишланмаяптилар.

В. ШАБАЛИН,
Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳузуридаги саноат моллари сифати бўйича республика Давлат инспекциясининг бош инспектори.

Э. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ТАЙЁР!

— Мактаблар ремонтини барвақт тугатдик, орзиқиб кутяпмиз, — дейишади Юқори Чирчиқ район маорифчилари.

Райондаги 58 та саккиз йиллик, 54 та бошланғич мактаб ва 3 та мактаб-интернат капитал ремонт, 22 та мактаб эса жорий ремонт қилинди. Жуда кўп мактабларда ўқувчиларни тўла қамраб олиш мақсадида қўшимча синф хоналари қурилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. «Ленинский путь», «Правда», «Политотдел», «Ўзбекистон» колхозларида янги қурилган кўп қаватли мактаб биноларини кўриб қувонасиз.

Райондаги 50 та мактабда намунали физика-химия кабинетлари, лабораториялар, қишки спорт заллари ишга туширилади. Ундан ортиқ мактабда теплица хўжалиги ва тикув устахоналари болаларга тақдим қилинди.

Р. ИСҲОҚОВ.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Бурч

Биз Амударё районидаги Максим Горький номли совхоза СССР Олий Советининг депутати Ойсултон Маткаримова билан суҳбатлашиб ўтирардик. Гап депутатнинг бурчи ҳақида борарди.

— Халқ хизматкорининг иши кўп, — деди Ойсултон Маткаримова, — у сайловчиларнинг наказаларини бажариши, ишонч билдирган кишиларнинг ҳаётидан, орзу-умидларидан, ишларидан хабардор бўлиб туриши, қишлоқ ва шаҳарларни ободонлаштиришда, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашда актив қатнашиши керак. Шу билан бирга депутат қайси ерда, қандай вазифада ишламасин, ҳамиша, ҳар қандай шароитда намуна кўрсатиб меҳнат қилиши лозим. Шундагина у меҳнаткашларнинг катта ишончига, бурчига лойиқ иш қилган бўлади.

Амударё районидагина эмас, бутун Қорақалпоғистонда таниган ҳурматли депутатнинг фаолияти билан танишнар эканмиз, унинг сўзи билан иши бирлигини, депутатлик бурчини аъло адо этаётганини кўрдик. Кўпинча депутатнинг бурчи ҳақида фикр юритилганда унинг меҳнат фаолияти ҳақида, ишлаб чиқаришни юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилади. Биз Ойсултон Маткаримова мисолида депутатнинг асосий бурчларидан бири — меҳнатдаги ташаббускорлиги ҳақида кенгроқ тўхталишга қарор қилдик.

Ойсултон совхознинг чорвачилик фермасида ишлар экан жамоат ишларига актив қатнашар, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш учун бор кучини, ғайратини аямай, чарчамай ишлар эди. Унинг бу интилиши меҳнаткашлар ўртасида обрусини тобора оширди. Сайлов вақтида депутатликка номзод кўрсатишга тўпланган совхоз ишчи ва хизматчилари Ойсултон Маткаримовани бир овоздан давлат ҳокимиятига ўзларининг вакиллари қилиб юборишга қарор қилдилар. Депутатликка сайланган илғор сут согувчи сайловчиларнинг топшириқларини бажариш билан бирга меҳнатда ҳам ўрнак кўрсатиш лозимлигини ўйлайди. У планини бажармаётган, кам ҳосилли пахтачилик бригадасига ўтиб ишлашга қарор қилади.

Шу бригадага бошлиқ бўлиб келган Ойсултон ишни қолоқлик сабабларини ўрганишдан бошлади. Бригада аъзоларини, тажрибали пахта усталарини тўплаб маслаҳатлашади, хонадонларда бўлиб қишиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганади. Қандай қилиб ҳосилдорликни ошириш, илғорлар сафига ўтиш мумкинлигини ўйлайди. Кўпчиликнинг фикри бригадада бутун совхозда бўлганидек модий техника базаси етарли эканлигини, мутахассислар ҳам, уста сувчилар ҳам, тажрибали пахтакорлар ҳам борлигини, фақат меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кишиларнинг меҳнатига тўғри баҳо бериш лозимлигини тасдиқлайди. Чигит экиладиган майдонларнинг ҳар гектарига 15-17 тоннадан маҳаллий ўғит солинди, етарли миқдорда минерал ўғит берилди. Сўнгра чигит белгиланган муддатда сифатли экилди. 75 гектар майдондаги чигит бехато униб чиқди. Ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида олиб бораётган бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бунда Т. Рўзиматов, О. Ийлдошев каби илғор механизаторлар, Р. Соатов сингари ишнинг кўзини биладиган сувчилар алоҳида намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Депутат уларнинг ишларини доим назорат қилиш билан бирга, лозим бўлган жойда ёнма-ён туриб ишлаб, мўлжалланган нормаларнинг сифатли, тўла ва ошириб бажарилишига эришмоқда. Фидокорона меҳнат ўзининг самарали ишонасини кўрсатмоқда. Ҳозир бригаданинг даласидаги ҳар туп ғўзада 8-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Меҳнатсевар ва ҳаракатчан бригада аъзолари меҳрибон ва талабчан Ойсултон бошчилигида ҳосилга ҳосил қўшиш, уларнинг ёппасига очилиши учун ғайратга ғайрат, кучга куч қўшиб ишламоқдалар. Улар пландаги ҳосилни етиштириш билан бирга унинг таннархини арзонлаштиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини анча оширишга, умумий пландаги майдоннинг 55 гектаридаги пахтани машинада териб олишга қарор қилганлар. Ҳозир бригада аъзолари пахта териш машиналарини ремонтдан чиқаркб, уларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш учун механизаторларни тайёрлаб қўйдилар. Етиштирилган ҳосилни қоп-қаноарсиз ташиш учун прицеплар тайёрланди, Тош-тарозилар, хирмонлар шай.

Меҳнатда ўрнак кўрсатаётган депутат сайловчиларнинг наказаларини ҳам унутаётгани йўқ. Унинг ташаббуси билан қатор жамоат ва уй-жой биноларн қад кўтарди. Кўчалар тартибга солинди. Ҳар бир депутат ўз бурчини тўла ва қониқарли бажариш учун меҳнат жараёнида ҳам Ойсултон Маткаримова сингари ташаббус ва ғайрат кўрсатиб ишлаши лозим.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ ПЛАКАТЛАР

«Қорақалпоғистон» нашриёти йиғим-терим кампаниясига бағишлаб Автоном республика рассомлари тайёрлаган ўттиздан ортиқ плакат ва шиорларни оммавий тиражда нашр этди.

Китоб магазинига марҳамат

Қорақалпоғистон пойтахтида янги китоб магазини очилди. Бу ерда ҳаридорларни китоб жавонларидан ажратиб турадиган прилавкалар йўқ. Сотувчилар уларга маслаҳат бериб турадилар. Магазинда бир неча бўлим бор. Бу бўлимларнинг ҳар бирига жуда кўп китоб қўйилган.

(ЎзТАГ).

ПАРВАРИШ НЕГА ТЎХТАТИЛДИ?

Шу кунларда Киров районидаги «Москва» колхози далаларида бўлган киши бир нарсадан ажабланиши турган гап: ҳосилга ҳосил қўшиш қизғин давом этаётган шу кунларда бу хўжалик далаларида мопик тракторлари кўринмайди. Текширишлар яна шуни кўрсатдики, И. Воҳидов, С. Холматов, Х. Эргашев, У. Бегматов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадалар далаларида ғўза парвариши бутунлай тўхтатиб қўйилган. Бригада бошлиқларидан тортиб, колхозчиларгача — ҳамма ўзи билан ўзи овора...

Шуниси ажабланарлики, хўжаликдаги баъзи бригадаларда очиқдан-очиқ кўзбўямачилик қилинаётир. 5-бригада бошлиғи Т. Худойқулов ва табелчи Х. Тошматовлар колхоз правлениесига 10 августда 31 киши дала ишларига қатнашди, деб маълумот берганлар. Аслида ўша куни 16 кишигина ғўза парваришига қатнашган, холос. Худди шунингдек, сувчи Э. Умаров кунига 2-2,5 гектар ердаги ғўзани суғораётганлиги табелга қайд этилган. Аслида бундай эмас. Аксинча бу сувчи ғўзани қўллатиб суғориб, ҳосилга зарар етказмоқда.

Колхозда 400 гектарга яқин ҳосилдан қолаётган ғўза бор. Бу майдонлардаги ўсимликни қўшимча парвариш қилиш, суғориш талаб этилади. Аммо колхоз раҳбарлари бунга бефарқ қараб келмоқдалар.

У. ҲАЛИМОВ.

Фарғона области.

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» боғдорчилик-виночилик совхозида бу йил мўл узум ҳосили етиштирилди. Хўжаликнинг мириқиқор боғбонлари эл-юрт дастурхонини 4600 тонна ширин-шакар узум билан безашмоқчи. Сиз биринчи суратда совхознинг энг пешқадам ишчиларидан бири ўртоқ Р. Раҳимбоевани кўриб турибсиз.

Фото лавҳалар

Канол етиштирувчи хўжаликларда ўрим-йиғим ишлари қизғин бошланиб кетди. Юқори Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози ҳам ана шундай хўжаликлардан биридир. Иккинчи суратда хўжаликнинг энг илғор канол ўрувчиси Эрназар Берганов тасвирланган. У кундалик топшириқларни муттасил равишда бир ярим ҳисса ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Р. Шамсиддинов ва В. Сироткин фотолари.

ДАРОМАД ЯНАДА ОРТАДИ

АНДИЖОН, 18 август. (ЎзТАГ). СССР Министрлар Советининг қарорида топшириладиган пахта учун ҳақ тўлашнинг янги тартиби белгиланди. Андижон областининг колхоз ва совхозлари бу тартиб туфайли катта наф кўрадилар. Областдаги хўжаликлар юқори сифатли пахта етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Масалан, колхоз ва совхозлар ўтган йили пахтанинг қарийб 88 процентини биринчи сортларга топширдилар. Бу йил эса бу миқдор 92 процентгача етказилади. Пахтанинг сифатини яхшилаш ҳисобига тахминан ўн бир миллион сўм наф кўрилади.

Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг меҳнаткашлари давлатга биринчи сорт пахта сотиш йўли билан ўз даромадларини юз минг сўм миқдорида кўпайтиришга қарор бердилар. Бу колхозда ҳамма нарса теримга тахт қилиб қўйилди. Пахта тозаланадиган ва қуритиладиган майдончаларга асфальт ётқизилди. Теримчилар ҳозирги вақтда биринчи нав пахта териш қоидалари билан танишмоқдалар.

БОҒБОНЛАР ТАШВИШИ

Республикамиз колхоз ва совхозлари меҳнаткашлари боғ ва узумзорларини яхши парвариш қилганликлари туфайли бу йил ҳам ҳосил мўлкўл бўлди. Ҳозирги вазифа ана шу ҳосилни сира нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ва меҳнаткашлар дастурхонига, шунингдек озиқ-овқат саноати корхоналарига етказиб беришдан иборатдир.

Боғларимиз меваси ва токзорларимиз узумини йиғиштириб олиш билан бир вақтда келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам тайёргарлик кўришимиз керак. Чунки келгуси йил ҳосилининг тақдири бу йилги кузги тадбирларнинг нечоғли амалга оширилишига боғлиқ.

Сув камчил бўлган бу йилги шароитда боғ ва токзорларга алоҳида эътибор билан қараш талаб этилади. Шундай экан, ҳозир боғ ва токзорларда нималар қилиш керак?

Даставвал, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш керак. Бунинг учун эса мевали дарахтлар ва токларнинг ҳолатини ҳисобга олиб суғориш бўйича графиклар тузиш лозим. Суғоришни кечаю-кундуз ўтказган маъқул. Шу билан бирга, ёш боғларда бегона ўтларга қарши кескин кураш олиб бориш, дарахтлар оралиғидаги тупроқни юмшатиб туриб, токлардаги кераксиз новдаларни қирқиб ташлаш зарур. Ҳар бир мевали дарахт, ҳар бир туп ток диққат билан кўздан кечирилиши ва яхши асралиши зарур.

Серунум бўлмаган тупроқда ўстирилаётган токлар суст ривожланса, азот ва фосфор ўғитлари билан озиқлантириш лозим. Бунда бир гектар токзорга 175 килограмм аммиакли селитра ёки 300 килограмм сульфат аммоний, 250 килограмм суперфосфат ҳамда 3045 килограмм калий тузи солиш мақсадга мувофиқдир. Ўғитларни чуқур солиб, сўнгра токзорларни суғориш керак.

Мевали боғлардаги бегона ўтларни йўқотиб, дарахтлар оралиғини культивация қилиш, қишки сортли мевали дарахтларни эса алоҳида парвариш қилиш лозим.

150-200 центнердан ҳосил берадиган мевали боғларнинг ҳар гектарига 350 килограмм аммиакли селитра ёки 600 килограмм сульфат аммоний ва 150-200 килограмм суперфосфат солинади ҳамда 1-2 марта суғорилади. Бунда ўғитлар дарахтларнинг тагига солинади. Боғларни «шарбат» усулида ҳам суғориш мумкин. Бунинг учун боғнинг юқорисида ҳовузча қазилиб, унга ғўнг солинади ва маълум миқдордаги сув билан қоришгирилади. Орадан уч кун ўтгач, шу ҳовузчага ариқдан сув қўйилиб, у ўқариқлар орқали боғ ичкарисига оқизилади. Бу, мевали дарахтлар ҳосилдорлигини оширишда катта роль ўйнайди.

Ҳосил берадиган токларнинг кераксиз шохларини қирқиб ташлаб, барглларини чеканка қилиш лозим. Узум ҳосили қуёшдан ва ҳаводан баҳраманд бўлиши учун қалин барглар кесиб ташланади. Кумли ерларда токзорларни оз-оз сув қўйиб, тез-тез суғориб туриш яхши натижа беради. Ер ости сувлари юза жойлашган ерларда токларни уларнинг ҳолатига қараб озиқлантириш даркор.

Айниқса боғ ва токзорларнинг зараркунандаларига ҳамда ҳар хил касалликларига қарши кураш ишига алоҳида эътибор бериш зарур. Мева қурти тарқалган жойларга ҳар гектар ерга 30-40 килограмм ҳисобидан олтингугурт кукуни чангланади. Ҳосили 30 кундан кейин йиғиштириб олинадиган дарахтлар мева қурти, шира ва бошқа зараркунандаларга қарши пуркалади. Бунда 100 литр сувга 100 грамм 0,1 процентли тиофос қўшилади. Токзорлар эса оидиумга қарши бир гектар ерга 30-40 килограмм олтингугурт кукуни ҳисобидан чангланади.

Ҳозирги кунлар маймунжон экиш учун энг яхши агротехника муддатлари ҳисобланади. Келгуси йили юқори ҳосил олиш учун маймунжон экиладиган майдонларни тўғри танлай билиш ва ерни яхши ишлаш талаб қилинади. Маймунжон экиш учун текис рельефли ерни ажратиш лозим. Кичик адрлар ҳам бу экинни жойлаштириш учун қулайдир. Маймунжон ёш боғлардаги дарахтларнинг қатор ораларига ҳам экилади. Уни бўш майдонларда ҳам кўпроқ экиб ўстириш керак.

Маймунжон—кўп йиллик ҳамиша кўм-кўк ўсимлик бўлиб, бир ернинг ўзида уч-тўрт йилгача ўсиб тураверади. Шу давр ичида у кўп суғорилса, ерни бегона ўтлар босиб кетади, тупроқ зичлашиб қолади, касалликлар ва ҳашаротлар кўпаяди. Натижада ундан кейин экиладиган экин маймунжон учун яхши тупроқ тайёрлаши, бу тупроқда ажриғ, гумай каби ва бошқа илдизли бегона ўтлар бўлмаслигини таъминлаши керак. Беда, дуккакли экинлар, полиз экинлари маймунжондан кейин экилгани маъқул.

Эртаги сабзавот йиғиштириб олингандан кейин дала яхшилаб тозаланади, сўнгра сув қўйилади ва тупроқнинг унумдорлигига қараб ҳар гектарига 20-40 тонна гўнг 600-1000 килограмм суперфосфатга аралаштириб солинади. Ерлар 30-40 сантиметр, Фарғона водийси шароитида эса 25 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Маймунжон экиш учун тупроқнинг юза қисми яхши текисланган бўлиши керак. Уни ҳар хил усулда экса бўлади. 80х25 сантиметр схемаси асосида экилганда бир гектар ерга 50 минг ўсимлик, 70х70 сантиметр схемаси асосида ҳар уяда иккитадан ўсимлик қолдириб квадрат-уялаб экилганида 40.800 ўсимлик, 80х80 сантиметр схемаси асосида ҳар уяда иккитадан ўсимлик қолдириб экилганда эса 32 минг тўп маймунжон жойлаштирилади. Экиш олдидан суғориш эгатлари олинади ва бу эгатларга тўлдириб сув қўйилади.

Маймунжон яхши ўсиб чиқиши учун уни экиш техникасига ва сифатига эътибор бериш, тупроқнинг етарли миқдорда намга эга бўлишига эришиш керак. Қўл билан экилганда маймунжон 5-7 сантиметр чуқурликда жойлаштирилади. Унинг илдизлари қайрилиб, кетмаслиги ва пиндиклари тўкилмаслиги учун шундай қилинади. Экилганидан кейин эса уч кун давомида жилдиратиб суғорилади. Орадан 8-10 кун ўтгач, унинг шу тупроққа нечоғли кўникканлиги маълум бўлиб қолади, янги суғоришга тайёргарлик кўрилади. Маймунжон экилгандан сўнг 20-30 кун ўтгач, культивация қилиниб, тупроқ юмшатилади. Шундай қилиб, участка кузга қадар бегона ўтлардан тозаланган ва тупроғи юмшатилган ҳолда сақланади. Ёш маймунжонни кузги-қишки совуқлардан асраб қолиш мақсадида улар тагига 10-15 килограммдан маҳаллий ўғит солинади.

Биргина Самарқанд области бу йил давлатга 8 минг тонна қишмиш ва 3,3 минг тонна қуруқ мева сотиши керак. Бу маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик бошқармалари, колхоз ва совхозлар боғ ва токзорлар парваришини ҳар қачонгидан ҳам яхшиладилар. Галдаги вазифа ҳўл меванн ва узумни яхшилаб қуритишдан иборат бўлмоғи керак. Мева ва узум қуритадиган ҳар бир хўжаликда ҳар юз тонна маҳсулотга мўлжалланган 0,7-0,8 гектарли майдончалар ҳозирланиши керак. Ҳар юз тонна маҳсулотга 7 минг дона патнус тайёрланиши лозим. Хўжаликларда узум ва ҳўл меванн қуритиш учун яшиклар ёки стационар камералар, маҳсулот саралаш учун столлар ва бошқа нарсалар тахт қилиниши зарур.

Кўпгина колхоз ва совхозлар ҳўл мева ва узум қуритишга юзаки қарамоқдалар. Бунга барҳам бериш керак. Ҳар бир хўжалик юқори сифатли қуруқ мева ва кишмиш тайёрланишига эришмоги лозим. Қуритиладиган узум камида 23-24 процент миқдорида шакарга эга бўлиши лозим.

Яқинда ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, бу йил боғ ва токзорларимизда ҳосил кутилганидан ҳам сероб бўлганлигига қарамасдан, кўпгина хўжалик раҳбарларининг айби билан боғ ва токзорлар қаровсиз қолмоқда. Чунончи, тупроқ юмшатилмаётир, зараркунанда ва ҳар хил касалликларга, бегона ўтларга қарши курашилмаётир, боғ ва токзорларга минерал ўғит ўз вақтида сифатли қилиб солинмаётир.

Боғ ва токзорларда керакли агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириш учун шошилинч чоралар кўриш лозим. Ёз ойларидан қишки-кузги мавсумдаги ишларга тайёргарлик кўриш мақсадида фойдаланиш зарур. Масалан, боғ ва токзорлар барпо этиш учун участкалар ажратиш, уларни планировка қилиш талаб этилади. Аввало, тоғли ва тоғ ёқинидаги районларда дарахт экиш ва ток ўтказишга тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаб юбориш керак. Бунинг учун ҳайдов тракторлари кучидан самарали фойдаланиш зарур.

Бу йил мева-чева, узум ва бошқа ноз-неъматлар ниҳоятда сероб бўлганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда. Биз келгуси йил ҳам ана шундай маъмурчиликка эришишни истаймиз. Шундай экан, «мевасини егин-у, боғини суриштирма», қабилида иш кўрмасдан, боғ ва токзорлар парваришини кўнгилдагидек уюштиришимиз лозим. Келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаб юборган боғбон доғда қолмайди. Ойлар, фасллар талаби шу.

М. МИРЗАЕВ,
В. КУЗНЕЦОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

Ўзбекистон тажрибасини ўрганмоқдалар

Улар Ўзбекистон билан танишишни Нигер соҳилларидаёқ бошлаб юборган эдилар. Совет мутахассислари узоқ ўрта Осиёдаги шу республика тўғрисида Мали деҳқонларига сўзлаб берган эдилар. Совет мутахассислари Африкадаги ана шу ёш давлат пахтакорлари ва шоликорларининг азиз масалаҳатгўйлари бўлдилар. Улар Тошкент ва Чирчиқ ишчиларининг сидқидил ёрдам тайёрлаган ажойиб машиналарни кўриб Ўзбекистон тўғрисида таассурот олган эдилар.

Эндиликда уларнинг ўзлари Ўзбек элига келишди. Булар орасида ирригаторлар, механиклар, электриклар, Мали Республикасидаги энг йирик давлат қишлоқ хўжалик корхонаси «Офис дю нижер»нинг турли тармоқларида ишловчи кишилар бор. «Офис дю нижер» ўз экономикасини янги асосларда барпо этаётган юз мингларча Мали деҳқонларини учун машъал бўлиб қолди.

— Биз, — дейди группанинг бошлиғи, «Офис дю нижер»нинг бош механиги Жан Мари Конэ, — Ўзбекистонлик дўстларимиз юртида келдик. Бизнинг мақсадимиз — бу республика қишлоқ хўжалик механикашларининг бой тажрибаси билан яхшироқ танишиб чиқишдан, бу тажрибани назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий тарзда ҳам ўрганишдан иборат. Ўртоқларимизнинг бир группаси ўтган йили Ўзбекистонга келган эди. Бу группа «Савай» совхозида тажриба ўрганди. Бизнинг бу сафаримиз ҳам биз учун яхши мактаб бўлажагига аминмиз.

Ирригатор Сейду Тиам мустамлакачилар ҳукмронлик қилган даврда Мали пахтакорлари гектар бошига олти-етти центнер пахта олганликларини айтади. Эндиликда гектар бошига 25 центнердан ҳосил олинаётганлиги ҳеч кимни тажжублантирмайди. Бу муваффақият совет мутахассисларининг бердами билан қўлга киритилди.

— Мен Ўзбекистон ирригаторларининг муваффақиятларига астойдил қизиқмоқдаман. Улар билан биргаликда ишланиш, суғоришнинг янги методлари билан яқиндан танишишни истайман, — дейди Мали мутахассиси.

Мали деҳқонлари Ўзбекистонда бир неча ой бўлишади. Улар совхозларда, ирригация қурилишларида, автомобиль хўжаликларида, республиканинг илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларида стажировкадан ўтадилар. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЯНГИ БИНО

НУНҒИРОТ шаҳрида чиройли катта бино қад кўтарди. Бу бинони Қорақалпоғистон АССРдаги 166-қурилиш трестининг бинокорлари тезкорлик усули билан битказдилар.

Янги бинога Кўнғирот шаҳридаги давлат банки кўчиб кирди.

М. СУЛТОНОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА МАКТАБИ

ЯНГИ мактабда ўғил ва қизлар ўзлари севган спорт машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин. Волейбол, баскетбол, теннис, акробатика, енгил атлетика, футбол ва спортнинг бошқа турлари мунтазам ишлаб туради. Машғулотлар дарсдан кейин олиб борилади. Машғулотларга мунтазам қатнашган ёшлар спорт разрядлари оладилар.

Бу сўзларни Янгиқўрғон районида 1965—1966 ўқув йилидан бошлаб очилган физкультура мактабининг директори Д. Ҳамидов қиқоя қилди. Янги физкультура мактаби Ўзбекистон Давлат физкультура институтини тамомлаган олий маълумотли кадрлар билан таъминланди.

К. РАҲИМОВ.

НАФОСАТ БАЙРАМИ

НУЛГИ кишига эстетик завқ бағишлайди, ором беради, ҳордиқ чиқаради, инсоннинг меҳнат қобилиятини оширади. Ўзбек халқининг маданий ҳаётида асния муҳим ўрин тутади. Асния халқ orзани ижодининг оммавий жанри сифатида бадиий адабиётга, санъатга кириб бормоқда.

Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ҳамда республика Ёзувчилар союзининг бирлашган илмий экспедицияси асния материалларини тўплаш ва ўрганиш мақсадида Жиззах шаҳрида бўлди. У ерда уюштирилган кечада машҳур асниячилар «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбулмисиз», «Пахтачилик», «Қовун», «Тил», «Ота ва бола», «Гул» ва бошқа айровларни айтиб беришди.

П. ТУРОБОВ.

КАТТА ЮТУҚ

МАМАТАЛИ Рустамов ҳаётида қувончли воқеа юз берди: Фарғона область Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси Рустамов 3 процентли Давлат ички ютуқ займига 2 минг 500 сўм ютди.

О. ҲОМИДОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Бир аср яшаган Зулфин момо Бегимқуловани Термиз районидаги «Намуна» колхозида ҳамма ҳурмат қилади. Бир неча ўғил, бир неча ўн невара ва чевара эга бўлган момо ҳали тетик ва бардам.

З. БУРИЕВ.

●

«Андижон» нефть кони ишчилар посёлкаси кундан-кунга жамолини очиб бормоқда. Яқинда ишчиларнинг 18 оиласи янги уйларга кўчиб кирди ва ҳовли тўйлари ўтказди.

Р. ҚОДИРОВ.

●

«Инсоннинг гўзаллиги нимада?»

Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг старший ўқитувчиси А. Азимов Кўқон шаҳридаги Охунбобоев номли тикувчилик фирмасида ана шу темада лекция ўқиди.

Б. НОСИРОВ.

●

Когон районидаги Калинин номли колхоз Чукурқўл қишлоғида лшовчи оналар мамнун бўлишди: Бу ерда янги туғруқхона қурилиб ишга туширилди.

И. ҲОЖИЕВ.

●

«Узсельхозтехника» Хўжаобод район бирлашмаси қошида очилган олти ойлик механизация курсини 35 киши битириб чиқди. «Пўлат от» чавандозлари колхозларга жўнаб кетдилар.

Х. ТУРҒУНБОЕВ.

●

Қоракўл районидаги «Ўзбекистон» колхозининг ташаббусидан ота-оналар ҳам, болалар ҳам маънун бўлишди. Бу ерда 18 та синф хонаси ҳамда шинам зали бўлган мактаб биноси қуриб битказилди.

Б. БЕКБОЕВ.

●

Грек халқ ансамблининг концертларини Қўқон меҳнаткашлари яхши кутиб олдилар. Санъаткорлар ижро этган қўшиқ ва рақслар томошабинларни хурсанд қилди.

Н. БОТИРОВ.

РАҲМАТ, ЯХШИЛАР!

Иброҳимжон Марғилонда поезддан тушди-ю, ич-ичидан зил кетди. Ахир, икки қўлини бурунга тиқиб уйга кириб бориш яхши эмас. Бола-чақалар қўлга қарайди. Хотинига, олти фарзандига Куйбишев шаҳридан олиб келаётган бир чамадон совға-саломлар поездда йўқолди. «Қайси ноинсоф кўз олайтирдикин? Ёинки»... Иброҳимжон уйлаб ўйига етолмайди.

У эртасигаёқ яна вокзалга чиқди. Куйбишевгача билет олди. «Жалолобод — Куйбишев» поездининг бошлиғи Н. П. Чернишевни топиб, содир бўлган воқеадан уни хабардор қилди.

— Ҳар ҳолда ноҳуш иш бўлибди, — деди Н. П. Чернишев, — қаердан топиларди йўқолган чамадон. Юраверинг-чи, ҳаракат қилиб кўрамиз.

Икковлан ахтаришга киришишди. Поезд бошлиғи йўл-йўлакай йирик станцияларнинг бошлиқларига телеграмма бериб, «дайди чамадон»нинг тақдирини аниқлай бошлади. Бироқ Куйбишевга етиб боргунга қадар ҳеч қандай натижа бўлмади. Тарвузи қўлтиғидан тушган Иброҳимжон Куйбишевни яна бир бор сайр қилиб, уйга Н. П. Чернишев бошчилигидаги 182-поездда қайтди.

— Топмай қўймаймиз, — дерди поезд бошлиғи. — Изига тушгандай бўлдим чамадонни.

Поезд Тошкентга келиб тўхташи биланоқ тўртинчи вагонга бир нуроний чол кириб келди.

— Мана, омонатингиз.

Марғилонлик Иброҳимжон Йўлдошев кекса темир йўлчи Фоминнинг юз-кўзидан ўпти.

Воқеа бундай бўлган. Фарғона область Оҳунбобоев район ипакчилик бўлимининг агрономи И. Йўлдошев меҳнат отпускасида Куйбишевга саёҳат қилади. Уйга қайтишда рафиқасига, ўғил-қизларига уч юз эллик сўмлик совға-саломлар олади. Тошкентлик пенсионер Фоминнинг Куйбишевдаги қариндош-уруғлари унга проводник орқали бир чамадон совға йўллашади. Проводник эса ҳардам ҳаёлликка бориб, бир эмас, иккита чамадонни Фоминга бериб юборади.

Т. ҲАМИДОВ.

ЁШ ТАЛАНТЛАР

РАҚҚОСА

Раққоса! Мўъжизакор! Бизнинг фаровон замонамизда ҳар ким ўйин-кулгини, томошани, рақс тушишни севади. Лекин ҳар ким ҳам чинакам санъаткор каби мўъжизалар ярата олмайди.

Мана шундай ёрқин талантлардан бири рақҳоса Равшаной Шариповадир. Равшаной ёшлигидан санъатга меҳр қўйди. Бирон-бир куй ёки қўшиқ ижро этилса, у бор вужуди билан берилиб тинглар, айниқса, рақс куйлари, ялла ўйинлари унинг жони эди. Куй чалинди дегунча, унинг нозик гавдаси ҳаракатга келиб, қўллари ҳимарилиб, ўйинга тушиб кетарди.

Равшаной 4- синфни тугатиб, Тошкент хореография билим юртида ўқий бошлайди. Бу ерда саккиз йил давомида бўлажак рақҳоса кўпгина моҳир педагоглардан рақс «сир»ларини ўрганади. Равшаной билим юртини тугатиб классик ўйинлар мутахассиси бўлади ва Навоий номли ўзбек Давлат опера ва балет театрига ишга ўтади. У ҳамма балет спектакларининг оммавий саҳналарида иштирок этиб, катта-кичик ролларни завқ-ҳавас билан бажаради. «Оққуш кўли», «Доктор Айболит», «Бахт соҳили» каби саҳна асарларидаги қатор ролларни шулар жумласидан.

Лекин Равшаной санъатдаги чинакам бахтини ўзбек Давлат «Баҳор» рақс ансамблида топди. Ҳали у билим юрти ўқувчиси экан, «Баҳор» қизлари сафида тез-тез концертларда қатнашиб турди.

— Ҳали-ҳали ёдимда. 1959 йил эди, — деб эслайди Р. Шарипова, — «Баҳор» ансамбли билан Москвага гастролга бордик. Шу пайтгача ҳалк якка ўйинчи сифатида саҳнага чиқмаган эдим. Ҳаяжондан энтикаман. Биринчи марта саҳнага чиқиб, пойтахт томошабинларига ўзбек рақс санъатини намойиш қилиш менга қатгиқ ҳаяжонлантирарди. Ўшанда бор маҳоратимни ишга солиб, Чайковский номли театр саҳнасида ўзим севган «Шўхқиз» рақсини ижро этдим. Бу менга биринчи жиддий имтиҳон бўлди.

Шундан сўнг Равшаной Шарипова ўзбек рақсларининг бутунлай мафтуни бўлиб қолди. Ниҳоят, 1961 йили «Баҳор» ансамблига ўтади. Сезгир ва қобилиятли рақҳоса «Дилдор», «Дилбар», «Хаваскор», «Баҳор», «Ўйнасин», «Қўш доира билан рақс», хоразмча, ҳиндча, арабча каби қатор рақсларни моҳирлик билан ўзлаштириб олиб, ижро эта бошлайди. Унга устози Мукаррама Турғунбоева яқиндан ёрдам берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Равшаной Шарипова «Баҳор» ҳалқ рақс ансамбли билан Совет Иттифоқининг кўп шаҳарларини кезиб чиқди, концертларда қатнашди ва ўзининг санъати билан томошабинлар ҳурматини қозонди.

Равшаной Шарипова бир неча бор чет элларда ҳам бўлиб, ўзбек санъатини чет эллик меҳнаткашларга намойиш қилди. 1963 йилда Африкага — Мали, Гвинея, Либерия, Гана, Сенегал. Догомея мамлакатларига бориб, у ердаги санъат мухлисларини ўзбек рақс санъати билан таништирди, улар дилини ром этди.

1965 йилнинг баҳори «Баҳор» қизлари хотирасида ўчмас из қолдирди. Улар икки ой мобайнида Африка мамлакатлари бўйлаб гастроль сафарида бўлдилар. Равшаной Шарипова ҳам бу унутилмас сафардан битмас-туганмас таассуротлар билан қайтди. Гастроль кунларида рақҳоса қиз ўзи севган ўйинларини намойиш қилди.

Ҳозир Равшаной Шарипованинг шахсий репертуарида ўн бешга яқин ранг-баранг рақслар бор. Ёш рақҳосанинг орзулари катта. У устози, санъат даргоҳига етаклаб олиб кирган мураббияси Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигида янги-янги рақсларни ўрганиш, санъатсевар халқимизни ва фис ўйинлари билан ҳушнуд қилиш иштиёқи билан яшамоқда.

Ўтган йили республикамизнинг 40 йиллик юбилейи муносабати билан кўп санъаткорлар қатори Равшаной Шарипова ҳам «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» унвонини олишга муяссар бўлди.

А. ЮСУПОВ.

Суратда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова.

А. Тўраев фотоси.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ПАШШАНИ ЙЎҚОТИНГ

Стол кўнгилдагидек безатилган. Сахий ёз неъматлари дастурхон чиройини яна очиб юборган. Шу вақт қаёқдандир учиб келган пашша ўзини олча мураббосига уради. Буни кўриб таъбингиз хира бўлади, иштахангиз бўғилади.

Ҳа, пашша иштаҳани бўғибгина қолмай, балки касаллик манбаи ҳам ҳисобланади. Баъзи кишилар гигиена қоидаларига риоя қилмай ариқ, ҳовуз сувларини қайнатмай ичадилар, мева ва сабзавотларни ювмайдилар. Натижада юқумли касаллик микроблари организмга кириб олиб, кўпая бошлайди ва кишини заҳарлайди. Бунинг сабабчиси биринчи галда пашшадир. Уларнинг жуда кўп турлари бўлиб, энг хавфлиси, кўп учрайдигани — уй пашшасидир. Улар ахлат яшикларига, кир ўраларга, дизинфекция қилинмайдиган ҳожатхоналарга қўниб, касаллик микробларини бир жойдан иккинчи жойга «ташиб» юради. Ифлос ерга қўнган битта пашшани олиб махсус аппаратларда текширилганда, унинг танасида 6 миллионга яқин турли касаллик микроблари борлиги аниқланган. Биринчи марта саҳнага чиқиб, пойтахт томошабинларига ўзбек рақс санъатини намойиш қилиш менга қаттиқ ҳаяжонлантирарди. Ўшанда бор маҳоратимни ишга солиб, Чайковский номли театр саҳнасида ўзим севган «Шўхқиз» рақсини ижро этдим. Бу менга биринчи жиддий имтиҳон бўлди.

Шундан сўнг Равшаной Шарипова ўзбек рақсларининг бутунлай мафтуни бўлиб қолди. Ниҳоят, 1961 йили «Баҳор» ансамблига ўтади. Сезгир ва қобилиятли рақҳоса «Дилдор», «Дилбар», «Хаваскор», «Баҳор», «Ўйнасин», «Қўш доира билан рақс», хоразмча, ҳиндча, арабча каби қатор рақсларни моҳирлик билан ўзлаштириб олиб, ижро эта бошлайди. Унга устози Мукаррама Турғунбоева яқиндан ёрдам берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Равшаной Шарипова «Баҳор» ҳалқ рақс ансамбли билан Совет Иттифоқининг кўп шаҳарларини кезиб чиқди, концертларда қатнашди ва ўзининг санъати билан томошабинлар ҳурматини қозонди.

Равшаной Шарипова бир неча бор чет элларда ҳам бўлиб, ўзбек санъатини чет эллик меҳнаткашларга намойиш қилди. 1963 йилда Африкага — Мали, Гвинея, Либерия, Гана, Сенегал. Догомея мамлакатларига бориб, у ердаги санъат мухлисларини ўзбек рақс санъати билан таништирди, улар дилини ром этди.

1965 йилнинг баҳори «Баҳор» қизлари хотирасида ўчмас из қолдирди. Улар икки ой мобайнида Африка мамлакатлари бўйлаб гастроль сафарида бўлдилар. Равшаной Шарипова ҳам бу унутилмас сафардан битмас-туганмас таассуротлар билан қайтди. Гастроль кунларида рақҳоса қиз ўзи севган ўйинларини намойиш қилди.

Ҳозир Равшаной Шарипованинг шахсий репертуарида ўн бешга яқин ранг-баранг рақслар бор. Ёш рақҳосанинг орзулари катта. У устози, санъат даргоҳига етаклаб олиб кирган мураббияси Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигида янги-янги рақсларни ўрганиш, санъатсевар халқимизни ва фис ўйинлари билан ҳушнуд қилиш иштиёқи билан яшамоқда.

Ўтган йили республикамизнинг 40 йиллик юбилейи муносабати билан кўп санъаткорлар қатори Равшаной Шарипова ҳам «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» унвонини олишга муяссар бўлди.

А. ЮСУПОВ.

Суратда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова.

А. Тўраев фотоси.

КИНОҲУЖЖАТЧИЛАР КИМЁГАРЛАР ҲУЗУРИДА

Чирчиқ электрохимия комбинати коллективи сентябрь ойида ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлайди. Шу муносабат билан комбинат маданият саройида кўргазмали виставкалар ташкил этилмоқда, қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

Яқинда маданият саройининг ёзлик театри биносида Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар студиясининг бир группа ижодий ходимлари билан кимёгарларнинг учрашуви бўлди. Студия бош редактори М. Яҳёев ижодий коллективнинг бу йилги янги фильмлари ҳақида ва кинохроникачилар билан кимёгарлар ўртасидаги ижодий алоқалар тўғрисида сўзлаб берди. Кимёгарлар ҳаёти ва меҳнати акс эттирилган «Ўзбекистонда газ ва химия» фильмининг авторлари режиссер Р. Раҳимбоев, оператор П. Расулев ҳамда ёш хроникачи С. Аскархўжаевлар ҳам ўз ижодий ишлари ҳақида гапирдилар.

Учрашув охирида «Салом, баҳор», «Ўзбекистоннинг газ ва химияси» ҳужжатли фильмлари ҳамда «Совет Ўзбекистони» журналининг 15-20 сонлари намойиш қилинди.

К. ХАЛИЛОВ.



Орол денгизидаги балиқчилар.

А. Тўраев фотоси.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ, ЁМОННИНГ КАСОФАТИ

ЯХШИ ФАЗИЛАТ

Фозил узоқ ердан қадрдон қишлоғига йўл олди. Мана, у Тошкент вокзалида. Такси тўхташ жойига борганда такси шоферларининг, — қани ука марҳамат деган, ширин сўзлари уни янада руҳлантириб юборди.

— Раҳмат ака, Келесга бормоқчийдим.

Фозилжон тушган ҳаворанг «Волга» бир зумдаёқ шаҳарни ортда қолдириб, Келесга етиб борди. Соғинган ота-она, ёрдўстлар Фозилжонни ўраб олишиб, савол-жавобларга кўмиб юборишди.

Шу вақт дарвоза тақиллади.

— Ҳамма уйда-ку, ўзи нима гап,— ҳазиллашди уй эгаси.

— Кечирасизлар, яна қайтиб келдим,— деди таксичи Ўктам ака қўлидаги катта чамадонни ерга қўя туриб. Сизларнинг қувончларингга шерик бўлиб, чамадонни олиб кетаверибман, кечирасизлар.

— Қаранг-а, биз ҳам ўзимиз билан овора бўлиб, чамадонни унутибмиз, раҳмат Ўктам ака.

— Арзимайди ука, бу бизнинг вазифамиз,— деди у камтарлик билан.

МАЛОВИК ҲАМ ШОФЕР-КУ

Қўйлиқ посёлкаси. Таксига навбат кутувчилар жуда кўп.

— Биз Пушкин меҳмонхонасига бормоқчи эдик,— илтимос қилишди Тошкент медицина институти студентларидан Жўраев, Жалилов, Султонов ўртоқлар.

— Мен фақат Сквергача бораман,— кескин жавоб берди Маловик.

Не чора, йўловчилар Маловик машинасида Сквергача келдилар.

— Пасткашлар,— деди у пулни чўнтагига солар экан.— Уч киши 1 сўм берасанларми?

Шикоят билан 2-автокомбинатнинг эксплуатация бўйича инженери Шариенковга учрашдик.

Биз ўйлаймизки, Тошкент шаҳар 2-автокомбинат коллективи Маловикка нисбатан бирор чора кўрар.

Р. АКРОМОВ.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ПЛАНЕТАМИЗ БЎЙЛАБ

«ПАХТАКОР» АФИНАГА КЕЛДИ

Афина, 18 август. (ТАСС). Тошкент «Пахтакор»ининг футболчилари Грециядаги машҳур «Панэонис» клубининг таклифига биноан Афинага келишди. Бу клуб шу кунларда ўзининг 75 йиллигини байрам қилмоқда. Бизнинг спортчиларимиз биринчи матчни 21 августда Афинада мамлакатнинг энг йирик «Караискаки» стадионида ўтказишади. «Панэонис» командаси «Пахтакор»нинг рақиби бўлади. Шундан сўнг, совет футболчилари 26 августда Салоникида «Арис» командаси билан учрашишади. «Пахтакор» охирги матчини 28 августда Афинада «Аек» командаси билан ўтказади. Бу команда Греция чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА НАРХ-НАВО КАМАЙТИРИЛДИ

Чехословакияда саноат моллари баъзи турларининг нархлари камайтирилди. Газлама нархи 45 процент, мопед нархи 30 процентгача, телевизорлар нархи 25 процентгача, ёритиш асбобларининг нархи 70 процентгача камайтирилди.

Металл идиш-товоқларнинг баъзи турлари, шиша, чинни, керамика, ўйинчоқлар ва бошқа моллар ҳам арзон бўлиб қолди.

БУҒДОЙДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Руминияда буғдойни ўриб-йиғиб олиш асосан тамом бўлди. Бу экиннинг ҳосили ҳамма жойда ўтган йилгидан мўл бўлди. Кўпгина давлат қишлоқ хўжаликларида ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30-37 центнердан дон йиғиштириб олинди.

ХАЛҚ ИЖОДИНИНГ КУРИГИ

Болгариянинг қадимий музей шаҳри бўлган Копривштицада халқ ижодининг биринчи миллий кўриги тугади.

Халқ қўшиқларини маҳорат билан ижро этувчилар, музикачилар, раққослар, бахшилардан икки мингдан кўпроқ киши ўз санъатини намойиш қилди. Бу ерда очилган амалий санъат ва бадиий буюмларнинг биринчи миллий виставкаси ғоят зўр қизиқиш туғдирди.

Кўрикда чет эллик меҳмонлар—Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Куба, Югославия, Руминия, АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатлардан келган музикашунослар, хореографлар, этнографлар, рассомлар иштирок этдилар. (ТАСС).

ЖАКАРТАДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

ЖАКАРТА, 18 август. (ТАСС). Мамлакатда республика эълон қилинган кунининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари Индонезия пойтахти Жакартада икки кундан буён давом этмоқда.

Бугун шаҳар марказий майдонини намойишчиларнинг чексиз оқими мажлантириб юборди. Миллий фронтга бирлашган барча асосий сиёсий партияларнинг намояндалари, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари индонез халқи курашининг рамзи бўлган монумент ёнидан ўтишди. Намойишчиларнинг колоннялари мамлакатда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга, барча ватанпарвар кучларнинг бирлигига, империализм ва янги мустамлакачилик билан кураш олиб боришга чорловчи транспарантларни, шиорларни кўтариб олишган эди.

Намойиш қатнашчилари байрам тантаналарида қатнашмоқ учун Жакартага келган чет эл делегациялари билан биргаликда ҳукумат минбарида турган президент Сукарнони шодиёна табриклашди.

БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 август. (ТАСС). Хартфорд шаҳрининг (Коннектикут штати) аҳолисидан 300 га яқин киши кеча митингга тўпланиб, полициянинг Лос-Анжелос негрларидан қонли ўч олганлигига қарши норозилик билдирди.

АФИНАДА МИТИНГ

АФИНА, 18 август. (ТАСС). Афинадаги «Панатинаикон» стадиони кеча кечқурун халқ ғазабининг қайнаб турган вулқонига айланди. Бу ерда Греция пойтахти аҳолисининг демократияни ҳимоя қилиш, конституцион тартибларни тиклаш, Папандреу қонуний ҳукуматининг ҳокимият тепасига қайтиб келишини ёқлаб чиққан жуда катта митинги бўлиб ўтди. Халқнинг демократик ғалабаларини ҳимоя қилиш учун ўз иродасини ифода қилиш мақсадида бу ерга келган 60 минг кишини стадион сиғдира олмади. Неча ўн минглаб кишилар стадионга тутташиб кетган Александра проспектига ҳамда яқин атрофдаги катта ва кичик кўчаларга тўпландилар.

Митинг «Сайловлар», «Хоинлар йўқолсин», «Демократия», «Сарой ҳукуматига йўл қўймаймиз», «Ҳукуматни сарой эмас, халқ тайинлайди», «Фашизмга йўл қўймаймиз» деган шиорлар остида ўтди. Митинг қатнашчилари монархияга қарши шиорларни ҳам айтдилар.

Митингдан кейин шаҳар марказида намойиш бўлди. Афина ва Пирсидаги бутун полиция броневиклар ва ҳарбий машиналар билан қуролланган ҳолда тартибни сақлашга сафарбар қилинди. Митинг ва намойиш мозоросиз ўтди.

Канадада рўй берган почта хизматчилари забастовкаси уларнинг ғалабаси билан тугади. Забастовкада почта ходимларидан 50 процентн иштирок этди. Забастовкачилар иш ҳақининг оширилишига ҳамда маъмурият нинг забастовкачиларга нисбатан репрессия қилмасликларига эришдилар. Суратда: шапкасига забастовкачиларнинг талаблари битилган почтальон Рожер Гегне.

Федньюо — ТАСС фотоси.

Бавария озод демократларининг меморандуми

БОНН, 18 август. (ТАСС). Бавария озод демократик партия ташкилоти Германия сиёсати проблемалари юзасидан меморандум эълон қилди. Бу меморандумда Германия Федератив Республикасининг НАТОдан ва Германия Демократик Республикасининг Варшава шартномасидан чиқиши зарур эканлиги, шунингдек Европа хавфсизлик системасини вужудга келтириш зарур эканлиги таъкидланади.

Меморандум авторлари Европада атом қуролидан холи зонани вужудга келтириш ва қуролланишни чеклаш кераклигини уқтириб ўтадилар. Меморандумда Германия Федератив Республикаси «атом қуролларида ҳар қандай тарзда қатнашиш»дан воз кечиши зарур эканлиги ҳам кўрсатилади ва ҳозирги вақтда Шарқ билан Ғарбнинг, шу жумладан ҳар иккала герман давлатининг фикрларини яқинлаштириш имконияти борлиги таъкидланади.

«ҚОНУН — НЕГРНИНГ ДУШМАНИ»

НЬЮ-ЙОРК, 18 август. (ТАСС). «Нью-Йорк Геральд трибюн» газетасининг ёзишича, сенатор Роберт Кеннеди ўз мусоҳабасида Америка қонуни «негрнинг душмани»дир, деб айтган. Бу қонун ҳамма вақт негрга қарши қўлланилади, бинобарин, негрлар «қонун»нинг бундан бўлак тури борлигини билмайдилар, деган у.

18 ЛАР КОМИТЕТИДА

ЖЕНЕВА, 18 август. (ТАСС). Қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг кечаги мажлисида АҚШ вакили Фостер сўзга чиқиб, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги битимнинг лойиҳасини комитет ишида қатнашаётган ва НАТО аъзолари бўлган мамлакатлар номидан тақдим этди. Бу лойиҳада, жумладан, шу нарса кўзда тутиладики, ядро қуролига эга бўлган давлатлар уни шу қуролга эга бўлмаган давлатларга бермасликлари керак. Ядро қуроли бўлмаган мамлакатлар шундай қуролни ишлаб чиқармоқ ёки уни четдан олмоқ учун ҳаракат қилмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари лозим. Бироқ, тақдим этилган лойиҳада ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатларнинг, масалан, Ғарбий Германиянинг, тузилмоқчи бўлган «кўп томонли ядро кучлари» орқали ядро қуролини олиш учун имкониятлари бўладими ёки йўқми, деган масала тўғрисида ҳеч бир сўз айтилмаган.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги битим лойиҳасини таклиф этган Ғарб мамлакатлари — АҚШ, Италия, Англия, Канада делегациялари комитет мажлисидан кейин матбуот конференцияси ўтказдилар. Ғарб давлатларининг лойиҳасида «НАТОнинг кўп томонли ядро кучларн»ни вужудга келтириш мумкин эмаслигини кўзда тутадими, дейилган саволга Фостер рад жавобини берди. У, АҚШ бундай «кўп томонли кучларни» вужудга келтиришни давом эттира беради, деди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

20 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Чолғу куйлари. 11.10 — Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида. 11.30 — М. Насимов. «Дилбарим» (лирик сюита). 12.15 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 12.50 — Ички терламанинг олдини олиш (рус.). 13.40 — Концерт (рус.). 16.15 — Иттифоқчи республикаларнинг музика маданияти (рус.). 17.00 — Адабий-музикали эшиттириш. 18.10 — Эстон композитори Л. Аустернинг «Тийна» балетидан сюита (рус.). 18.30 — Концерт. 19.20 — Социалистик мамлакатлар куйлари. 20.00 — «Аму—равон сув йўли» (рус). 20.10 — Янги музикали асарлар (рус.). 20.45 — «Республикамиз машъалари». 21.20 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт. 22.10 — Қўшиқлар. 22.40 — М. Шолоховнинг «Тойчоқ» ҳикояси. 23.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

Телевидение

20 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — Соғлом бўл (болалар учун). 19.25 — Тошкент янгиликлари. 19.35 — Диққат, телевидение (телеочерк). 19.55 — Концерт (қардош республикалар санъат усталари иштирокида).

Рус тилида: 20.35 — Ип ҳақида (илмий-оммабоп фильм). 20.45 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Таниширг (адабий эшиттириш). 21.15 — Банкир (телеспектакль).

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/VIII да Уғил уйлантириш.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Тоғ қонуни — СОБИР РАҲИМОВ номли. «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруни), «ИСКРА» (кундуз соат 4 яримгача).

Макс Линдер компанияси — НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруни), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 1 ва 3 да).

Туш — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Нотаниш аёлнинг хати — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни), «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан).

Жаноб 420 (кундуз соат 3-20 минутда), Козара (1 ва 2-серия, кеч соат 9 яримда) — НАВОИЙ номли.

Рапсодия (жуфт соатларда), Запас ўйинчи (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да) — «СПУТНИК».

Улуғ Ватан уруши — «МИР» (кундуз ва кечқуруни).

Скарамуш — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Оила тумори — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Мария — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 6 да).

Валера — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда).

Қор қиз — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Тоғ қонуни — «ФЕСТИВАЛЬ», «ВАТАН», «ОҚТЕПА».

Макс Линдер компанияси — «ХИВА», НАВОИЙ номли.

Тракторчилар — КАФАНОВ номли.

Севги ва кўз ёши — «САЛЮТ».

Иккиланиш — «1 МАЙ».

Олғирлар — «УДАРНИК».

Симладаги севги — ТЕЛЬМАН номли.

Бахт изловчилар — «ПАХТАКОР».

Скарамуш — ПУШКИН номли.

Сув ости кемаси Т-9 — СТЕПАН РАЗИН номли.

Асосли далил — «РАКЕТА».

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг

ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Отшунослик, балиқшунослик, чорвачиликнинг кўп меҳнат талаб қиладиган процессларини механизациялаш, чорва молини кўпайтириш ва сунъий уруғлантириш биологияси бўлимлари ва лабораторияларининг мудирлари (фан докторлари ва кандидатлари);

младший илмий ходимлар: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш экономикаси, отшунослик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, қорамол урчитиш (2 ўрин), асаларичилик, инженер-механик, инженер-қурувчи ихтисосларига ва химия лабораториясида ишлаш учун.

Конкурсда кўп йиллик ишлаб чиқариш стажи бўлган юқори малакали мутахассислар ҳам қатнаша олади.

Конкурс муддати — 3/IX гача.

Ариза ва ҳужжатлар институт директори номига ёзиб тақдим қилинади.

Адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, «Красний водопад» почта бўлими.

Тошкентдаги Қизил байроқли

31- ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8, 9, 10, 11-синф ҳажмида маълумотли 15—27 ёшдаги кишилардан

1965/66 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун кадрлар: тепловоз машинисти ёрдамчилари, тепловоз ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускунасини ремонт қилувчи слесарлар, токарлар, электромонтёрлар, қолипчи-нуювчилар, темирчилар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 2 йил, қолипчи ва темирчилар учун — 1 йил.

Тўлиқ ўрта маълумоти бўлмаган ўқиш аълочиларига кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилади.

Билим юртида ўқиш даври ишлаб чиқариш стажига қўшилади ва билим юртини тамомлагандан кейин темир йўл транспорти ходимларига берилаган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Пассажир вагонлари проводникларини тайёрлайдиган курснинг кечки бўлимига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар қабул қилинади.

Аризалар 25 августгача қабул қилинади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 53-уй (1, 4- трамвайнинг «Гагарин парки» остановкаси).

УРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Прогнозининг сонли методлари секторида: младший илмий ходимлар (2 ўрин);

амалий иқлимшунослигининг шартнома группасида: старший инженер, младший илмий ходим;

Қор-лава лабораториясида: младший илмий ходим;

Душанба шаҳридаги атмосфера физикаси ва гидрология лабораториясида: младший илмий ходим.

Конкурсда фан доктори ёки кандидати деган илмий даражаси бўлган кишилар, шунингдек кўп йиллик ишлаб чиқариш стажи бўлган мутахассислар қатнаша олади.

Конкурс муддати — 6/IX гача.

Ариза билан ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар-52. Обсерватория кўчаси, 85/5-уй. Телефон 3-20-72, 2-84-48.

Дубовая кўчаси, 98-уй, 23-квартирада турувчи Люция Павловна Такмаковани нг Черёмушки кўчаси, 4-уй, 19-квартирада турувчи Михаил Николаевич Такмаковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Каблуков кўчаси, 58-уй, 8-квартирада турувчи Данил Исломович Абдуллаевнинг Афғон кўчаси, 39-уйда турувчи Галина Григорьевна Абдуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

МАТЕУСНИНГ КОСТЮМИ

Луандино ВИЕИРА,

Ангола ёзувчиси.

Турма бошлиғининг кабинети. Матеус бўсағага энди оёқ қўйиши билан бир парча олов «жаз» этиб шонасига ёпишди. Бу— қамчи эди. Рейснинг адъютанти Лукасни ҳамиша киши хаёлига келмайдиган ана шундай «сова»лар билан кутарди. Устма-уст тушган қамчи зарбидан махбуснинг тани ловиллаб кетди. Кабинет тўрида турган бошлиқ эса бақира бошлади:

— Айтасан! Ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтасан. Эшитяпсанми? Бугун ё айтасан, ё бу ердан ўлигингни олиб чиқиб кетишади. Билдингми, итвачча!..

Қамчи Матеуснинг кифти, бели, шоналарини мометалоқ қилиб, олақонга ботирди. Бутун вужуди тилка-пора бўлди. Шунда ҳам у ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб, гавдасини мағрур кўтариб турди. Маҳбус ёлвориб, бирор ножўя сўз айтиб қўймеслик учун лабларини маҳкам тишлаб турганида, қамчи юзига зарб билан урилиб, бурни аралаш лабларини кесиб юборди.

Уч ой... Уч ойдан буён шу азоб. Бу олчоқларнинг кишиларни, уриш, қийнаш, қонқақштатишдан ҳам бошқа бирор касби борми-кин? Нақадар тубанлик, ваҳшийлик!... Ташқарида эса табиат ясаниб-тусаниб, гуллаб-яшнаяпти. Қамчининг ҳавода ўйнатиб, адъютант ҳам кулади, ўз жоҳиллигидан ҳузур қилиб заҳарханда қаҳ-қаҳа уради.

Азобда тўлғониб, ўлим талвасасида ферёд чеккан маҳбуснинг товушини эшитиб, ташқарида турма итлари ҳам безовталаниб акиллай бошлади. Уларнинг акиллаши қўшни камераларда тарақ-туруқ отилаётган кастрюллар, оғир этикларнинг гупур-гупур товушларига қўшилиб кетди. Матеус юзи билан ерга қуларди. Хона бирдан пашша учса эшитиладиган даражада жим бўлиб қолди.

— Ҳозирча шу ҳам етади, — деди Рейс бўғиқ овоз билан. — Эй, Адао, бир челак музdek сув келтир.

Совуқ сув Матеусга ҳамма жароҳатларини эмлайдиган малҳамдек туюлди. У ҳушига келди: чидаш керак! Қандай бўлмасин чидаш керак!

Шу пайт директор унга яна бақирди:

— Кани, ўрнингдан тур-чи. Фабрикадаги безорининг исми нима эди? Жон керак бўлса тезроқ айтақол.

Кўлида қамчисини ўйнатиб адъютант яна келди. Унинг ваҳший кўзларида қаҳр ўти милтиллаб турарди.

Лукас Матеус даҳшатли уч ойни бошидан ўтказди, не-не синовларга бардош берди. У қийноқ, азобларга анча кўникиб қолган бўлса-да, шу қамчини кўрганида терилари шилиниб кетган ўша биринчи кун ёдига тушиб сесканар, қамчи эмас сурукуку[1] чақкандек юраги ортга тортиб кетарди. Ўзини тетик тутишга уринса-да, кўл-оёқлари қалтирарди. Майли, қанча уришса-уришсин, савалашсин. Улдиришса ҳам рози. Лекин у дўстининг исмини айтмайди, ҳеч ҳам айтмайди...

— Айтасан, айтасан итвачча, — яна бақира бошлади Рейс. — Бугунок жаҳаннамга жўнатаман сени. Жонининг қадрига етмаган барзанги!

Ҳавода яна қамчи суза бошлади. Қамчи билан аёвсиз ураётган адъютантнинг кўзлари Матеусга иккита ифлос тешикдек бўлиб кўринди.

— Қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, — деди Лукас ҳушидан кетаёзиб. — Менга туҳмат қилишган. Мен...

Шу пайт Рейс Матеуснинг юзига туфлади. Лукас юзини артмоқчи бўлаётганида, адъютант унинг биқинига зарб билан тепди. Маҳбус коптокдек учиб бориб деворга урилди. Кўзлари олайиб, полга қуларди.

Рейс ва адъютантнинг кулгиси, ташқаридаги итларнинг вовуллаши, челакдан қуйилаётган сувнинг товуши бир-бирига қўшилиб кетди. Матеуснинг лабидан оқиб тушаётган қон ирмоқчаси сувга аралашиб, полга ёйила бошлади. Маҳбуснинг назарида у қон эмас, Ватанининг деҳқонларига оби-ҳаёт ташувчи Лукала дарёси бўлиб кўринди. У тўлиб-тошиб, тўлқинланиб Кванза дарёсига бориб қуйилади. Икки дарё бирлашган, узоқ йўл босиб океангача етиб боради.

Лукаснинг кўз ўнгида шабадада мавжланиб турган ўтлоқлар, майсазорлар, пальмазорлар намоён бўлди... У шу ҳаёллар оғушида танидаги оғриқларни унутди. Энди қамчи ҳам, директорнинг бақириши ҳам унга таъсир этмасди. Рейс эса хони-монидан ажралиб қолаётган кишидек ҳамон чинқирарди:

— Хат! Хат керак менга!....

Хат? Қанақа хат? Шу пайтгача бўлган сўроқларда турма директори бу сўзни айтмаган эди-ку! Энди эса ногидан «хат» тушмай қолди. Адъютант ҳам қандайдир хатми, тилхатми сўраяпти. Матеус уларнинг сўзига тушунолмади. Оҳиста туриб, бамайлихотир:

— Жаноб хўжайин, мен ҳеч нарсани билмайман. Хабарим йўқ... — деди. — Лукас турмага тушган кундан буён шу сўзларни такрорлайди. Рейс билан адъютантни эса бу жавобдан жиғи-бийрони чиқади.

Матеус эса энди «сирли хат» ҳақида ўйлай бошлади. «Қанақа хат экан у? Хат?!» — Шу пайт тани яна зирқирай бошлади. Уни қамчи билан савалашаётган эди. Лекин Лукас энди қамчиларга парво қилмасди. Кўзлари қобиғидан чиқиб кетган, ҳеч нарсани кўрмасди. Қулоғига аҳён-аҳёнда:

— «Компле» — костюм! Костюм қани?

— Хат керак! Хат қани?

— Костюмга яшириб келтирилган хат қани? — деган сўзлар эшитилади.

Матеус оғзида тахир суюқлик сезди. Кўз олди қоронғилашиб, зим-зиё қора парда устида майда юлдузчалар сузиб юргандек бўлди. Ҳушидан кетди.

Ташқарида эса бутун бир бошқа манзара. Боғда қушчалар чуғурлашади. Капалаклар гулдан-гулга қўниб, ғунчалар лабидан шарбат эмади. Эрталабки майин шабада дарахтлар япроғини силаб, анвои мевалар ҳидини узоқ-узоқларга олиб кетади.

Рейс бир челак сув олиб, қонга беланиб ётган Матеуснинг устига сепиб юборди.

— Жони тошдан дейман бу баччағарнинг, — ғўнғиллади у. — Кун ҳам қиёмга келиб қолди. Майли, бир оз дам олайлик. Директорнинг бўйнидан, пешаналаридан маржон-маржон тер қуйилиб келарди. У кўзойнагини олиб, ойналарини артди. Адъютант қамчини бир бурчакка улоқтириб, ташқарига чиқаётганида хона ўртасида ётган Матеусни тепди. Лукас кўзини очиб, унинг қўпол этигини кўрди...

... Кимдир Матеусни камерага итариб юборди. Устидан қайноқ сув қуйилгандек бутун тани ловиллайди. Суяклари ғижирлайди. Боши ошқовоқдек шишиб кетган. Ҳамон «Костюм», — «Хат» сўзларининг маъносини тушунолмай гаранг эди у. Ҳали, Рейснинг кабинетида у томоғини бўғиб келган кўз ёшларини зўр-базўр ютган эди. Энди камерада ёлғиз ётаркан, хўрлиги келди, ўша кўз ёшлар қайнаб чиқа бошлади. Гўё ёнида ёстиқдоши ўтирган эмиш. Лукас мехрибон хотинини мулойим, пальма мойидек ёқимли овозини эшитгандек бўлди. У эрининг бўйнига осилиб, қулоғига нималарнидир пичирлаётган эмиш...

Йўқ, йўқ! Бу туҳмат, ёлғон! Инсон тақдири бировлар тўқиган уйдирмалар билан ҳал бўлиб кетмаслиги керак. Ёлғон! Ёлғон! Ёлғон! Мария нозик қўллари билан авайлаб ювиб, дазмоллаб келтирган кийим-кечаклар, бу одамхўрлар уни парча-парча қилиб йиртиб ташлаган мана шу бир тўда латта-путталар унинг ҳақлигига, айбсизлигига гувоҳ бўла олади. Шу кийимлар ҳақиқатни сўзлаб беради!

Матеус минг азоб билан зўрға ўрнидан қўзғолиб, девор олдидаги йиртиқ кийимлар ёнида турган кастрюлга қўлини узатди. Секин қопқоғини очди. Уч ой... Очлик, қийноқлар, сўроқлар... Инсон боласи тошдан каттиқ деганлари рост экан. Шу уч ой давомида Матеус чеккан ситамларни кўз олдингизга келтирсангиз... Лекин Лукас хоинлик қилмади, Домингосни сотмади. Ана, кастрюлнинг тубида сариқ пальма ёғи ялтираб турибди. Мойни кўриши билан Лукаснинг танидаги оғриқлар эриб кетгандек бўлди.

Назарида пальма ёғи унга кулиб боқаётган эди. Қайнатилган нўхат ёғоч қошиқ тегиши билан эриб кетади. Кострюлда оддий халқнинг севимли овқати — балиқ, қоғозга ўралган банан ҳам бор эди. Буларни Мария келтирган. Меҳнаткаш халқ нўхат, пальма ёғи, банандан тайёрланган овқатларни содда қилиб бир сўз билан — «Компле» — костюм деб атайди...

«Компле! — Лукаснинг фикрлари бирдан ойдинлашди. — Мана қаерда экан Компле — костюм!» Лукас Матеус оғриқларини унутиб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Сўнг ашула айта бошлади. Унинг товуши қанот боғлаб тор, зах камеранинг темир панжараларидан қушдек енгил учиб чиқди, қўшни камераларда шу пайт минг бир азобларга дучор бўлиб ётган биродарларининг қулоғига бориб етди, турма деворларидан ошиб ўтиб, кенг ўтлоқлар, водий ва тоғлар устида эркин, мағрур, ғолибона жаранглади...

Самар НУРОВ таржимаси.

[1] Сурукуку — заҳарли илоннинг бир тури.

[1] Давоми. Бошн газетанинг 18 ва 19 август сонида.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543

№ В. 194. Р. 04114.